

~~6905.006.9~~
670

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Муаллифлар: Қосимова С. Т., Шоджалилов Ш.,
Ходжаев С. А. Қамбаров Д. С., Толипова Н. З.

«ШАҲАР ҚУРИЛИШИ ВА ХЎЖАЛИГИ» КАФЕДРАСИ

**„БИНО ВА ИНШООТЛАРНИ СИНАШ
МЕТРОЛОГИЯСИ“**

УҚУВ ҚҰЛЛАНМА

I ҚИСМ

ТОШКЕНТ — 2002

69.05

Б-70

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛӢ ВА ЎРТА МАҲСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Муаллифлар: Қосимова С.Т., Шоджалилов Ш., Ходжаев С.А.
Қамбаров Д.С., Толипова Н.З.

«ШАҲАР ҚУРИЛИШИ ВА ҲЎЖАЛИГИ» КАФЕДРАСИ

«БИНО ВА ИНШООТЛАРНИ СИНАШ МЕТРОЛОГИЯСИ»

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

I – ҚИСМ

TAQI knutubxonasi

Nº S/H

ТОШКЕНТ – 2002

БИБЛИОСТЕКА
БУХ. ТИП и ЛП
№ 74207

Муаллифлар: Қосимова С.Т., Шоджалилов Ш., Ходжаев С.А., Камбаров Д.С., Толипова Н.З. Бино ва иншоотларни синаш метрологияси ўқув қўлланма. I – Қисм (Қосимова С.Т., Шоджалилов Ш., Ходжаев С., Камбаров Д., Толипова Н., ТАҚИ, 2002 й – 111 бет).

Мазкур қўлланмада қурилиш конструкциялари ва ашёларини статик ва динамик юклар остида синашнинг назарий ва амалий масалалари ёритилган. Синашни ташкил этиш бўйича маълумотлар ҳамда қўлланиладиган асбоб – ускуна ва жиҳозларнинг тавсифлари берилган. Конструкцияларнинг зуриқиш – деформация ҳолатини белгиловчи синов ўтказиш амалий усуллари ва ўлчов параметрлари, механик асбоблар, тензометрия услублари, муҳандислик геодезияси, фотограмметрия ва бошқа усуллар билан аниқлашга диққат эътибор қаратилган.

Синов натижаларини дастлабки ва тўлиқ қайта ишлаш усуллари ҳамда уларни таххил этишда экстимоллар назарияси, статистик усулларини қўллаш баён этилган.

I – Қисм

Тақризчилар: 1. Т.Ф.Д. проф. «Қурилиш механикаси ва иншоотларни зилзилабардошлиги»

кафедра мудири Абдурашидов Қ.С.

2. Т.Ф.Н. ЎзР ФА. «Механика ва иншоотлар зилзилабардошлиги»
институти бўлим бошлиғи Тешабоев З.Р

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан турдош олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

БИНО ВА ИНШООТЛАРНИ СИНАШ МЕТРОЛОГИЯСИ.

I – ҚИСМ

МУНДАРИЖА.

СҮЗ БОШИ	5
КИРИШ	7
I – БОБ. ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА ИНШООТЛАРИНИ СИНАШ	10
1.1. Конструкция ва иншоотларни синаш бүйича умумий маълумотлар	10
1.2. Қурилишда метрология ва стандартлаштириш асослари	12
1.3. Синалиши лозим булган конструкция ва элементларни тайёрлаш ва шаҳодатлаш	14
1.4. Мавжуд бино ва иншоотларнинг синаувчи конструкцияларини тайёрлаш ва шаҳодатлаш	17
1.5. Бузулмас синов усуллари	19
II – БОБ. ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА ИНШООТЛАРИНИ МЕХАНИК УСУЛЛАР БИЛАН СИНАШ . . .	21
2.1. Статик синовлар	21
2.1.1. Умумий ҳолатлар	21
2.1.2. Синаш учун стенд ва қурилмаларнинг турлари	23
2.1.3. Юклаш схемасини танлаш	26
2.1.4. Балкаларни синаш	35
2.2. Статик синов усуллари учун назорат ўлчов аппаратураси	39
2.2.1. Прогибомерлар	39
2.2.2. Тензометрлар	44
2.2.3. Клинометрлар	64
2.2.4. Динамометрлар	66
2.3. Динамик синовлар	69

2.3.1. Умумий ҳолатлар	69
2.3.2. Иншоотларда динамик жараёнларни экспериментал тадқиқ этиш	71
2.3.3. Назорат үлчов аппаратуроси	76
2.4. Синовларни үтказиш ва синов натижаларига ишлов бериш	95
І - БОБ. АКУСТИК УСУЛЛАР	101
3.1. Ультратовуш импульсli усул	101
3.2. Бетон ва металл нүқсонларини ультратовуш билан аниқлаш	103
3.3. Бошқа акустик усуллар	108
АДАБИЁТЛАР	110

СҮЗ БОШИ.

Иқтисоди ривожланган демократик жамият қуришнинг янги стратегияси фаннинг ҳам мазкур тизимда туттан ўрни ва ролини тубдан қайта қуришни, унинг вазифаларини аниқ белгилаб бериш заруратини илгари суради. Фан – таълим мазмунини тубдан янгилашда: таълим стандартлари, таълим дастурлари, уқув дарслеклари ва қулланмалар тайёрлашда, илмий – услугбий таъминотни амалга оширишда бевосита ва билвосита иштирок этади. [1]

Қурилишда доираси оғишмай кенгайиб бораётган турли – туман мухандислик масалаларини ечишда бино ва иншоот конструкциялари ишини тадқиқ этишнинг экспериментал услубларидан кенг фойдаланилмоқда.

Бино ва иншоотлар конструкциясини синашга бўлган эҳтиёж ҳар хил. Шу жумладан, назарий йўл билан ҳал қилиш мумкин бўлмай қолган шароитларда вужудга келади. Бундай ҳолларда ашёлар, конструкциялар, умуман бино ва иншоотларнинг ишлашини тадқиқ этишнинг экспериментал усуллари барча қабул қилинган ҳисобий шарт – шароитларни текширишнинг пировард босқичига айланиб қолади. Шунинг учун, улар ҳозирги замон қурилишининг назарияси ва амалиёти учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Иншоотлар конструкциясини лойиҳалаш назариясининг ютуқлари ажойиб ва дадил ечимларга олиб келади. Бугунги кунда мутахассислар одига бино ва иншоотларни жаҳон қурилиш амалиёти даражасида барпо этиш масаласи қўйилмоқда.

Шундай қилиб бино ва иншоотлар конструкциясини синашни, тажриба ишларига асосланган ҳолда олиб борилувчи чўқур назарий тадқиқот деб қараш түғри бўлар эди.

Синаш объектининг сифатига, тадқиқотнинг мақсад ва вазифасига кура бино ва иншоотларни экспериментал тадқиқотини йўлга қўйиш, реал шароитларда иншоотнинг аслий синовидан

мавжуд иншоот ашёлари ҳоссаларидан фарқланувчи ашёлардан тайёрланган моделларни синашгача бўлган турли – туман кўринишида намоён булади.

Янги яратиладиган иншоотларнинг ниҳоятда мураккаблигидан, уларни аввал моделларда синаш кенг тарқалган. Ўхшашлик назарияси, моделлар тайёрлаш, уларни синаш услуби, моделларнинг синов натижаларини тахмил этиш каби илмий ва конструкторлик – технологик муаммоларнинг синтезидан иборат бўлган қурилиш конструкциялари ва иншоотларини моделлаштириш – қурилиш фанидаги алоҳида йўналишни яратилганлиги ҳақида кўп гапириш мумкин.

Бино ва иншоотлар конструкциясини синашнинг ҳозирги замон босқичида назария ва амалиётнинг равнақи механик ва радиотехник усулларнинг йигиндисидан иборат дейиш мумкин. Механик усуллар конструкцияларни мавжуд юк таъсирида тадқиқ этишга асосланган.

Синашнинг радиотехник усуллари эса конструкцияларни зўриқишиш – деформация ҳолатини тадқиқ этишга асосланган.

Сунгти йиллар тажрибаси шуни курсатдики, конструкцияларни синашнинг механик ва радиотехник усуллари бир – бирини сезиларли даражада тўлдириб, уларни қурилишида қўллашнинг амалий соҳаларини кентгайтиради.

Мазкур ўкув қўлланмада баён этилган материаллар талабаларнинг математика ва физика, қурилиш ашёлари, материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси, ҳамда металл, темир бетон, тошли конструкциялар, ёғоч ва пластмасса конструкциялар соҳасида олган билимларига таянади.

Муаллифлар ТАҚИ «Қурилиш механикаси ва иншоотларнини зилзилабардошлиги» кафедраси мудири техника фанлари доктори, профессор Қ.С. Абдурашидовга қимматли маслаҳатлари учун ўз миннатдорчиларини билдирадилар.

КИРИШ.

Бино, иншоотлар ва конструкцияларни синаш фан сифатида бошқа қурилиш соҳасидаги фанлардан кейинроқ шаклланди, бироқ, айрим ҳолларда иншоотларни синаш қадимдан амалга оширилган.

Иншоотларни синаш конструкция ҳолатига баҳо бериш ҳамда назарий ҳисобларнинг түғрилиги ва аниқлигини текшириш эҳтиёжидан пайдо бўлган.

Синаш, конструкциянинг юк кутарувчанлигини назарий жижатдан ҳисобга олиш мумкин бўлмаган ҳолларда конструкциянинг турли варианatlарини солиштириш учун маълумотлар етишмаганида, бино каркаси айрим элементларининг фазовий ишлашини унинг юк кутарувчанлигига таъсирини, ҳамда турлича икки конструкциянинг (масалан металдан бўлган балка ёки фермаларнинг темир бетон плиталар билан бирга ишлапи) биргаликда ишлаш самарасини курсатиш каби омилларнинг таъсирини аниқлаш имконини беради.

Иншоот ҳолатини баҳолаш ё қурилиш ишлаб чиқариш жараёнлари билан, ё конструкцияни тиклаш ёки кучайтириш билан боғланган.

Синов юкининг турига кўра синовнинг 2 асосий усули мавжуд: статик (статик юк билан синаш) ва динамик (динамик юк билан синаш).

Динамик синовларни эксплуатациявий динамик – зарбли, вибрацияли ёки вибродинамик юклар билан амалга оширилади.

Иншоот ва конструкциялар синовини ё махсус синов лабораторияларда (лаборатория синови), ё дала шароитларида (дала синовлари) утказилади.

Лаборатория синовлари дала синовларига қараганда аниқроқ натижалар беради, чунки бу ҳолда аниқроқ синов асбобларидан фойдаланилади ва синаш учун маъқулроқ шароит яратиш мумкин. Аммо шуни ҳам айтиш лозимки, лабораторияда ҳамма вақт ҳам

конструкция ишининг аслий шароитига мос келадиган шароитни яратиш имкони булмайди.

Ҳозирги вақтда эксплуатация қилинаёттан иншоот ва конструкция қисмларини синаш учун күчма лабораториялардан (темир йўл платформалари ёки автомобиллардан) фойдаланилади.

Синаш юкини катталиги бўйича икки турдаги синовлар бор: эксплуатациявий юк таъсирига ва бузувчи юк таъсирига синаш. У ёки бу юк турини танлаш синов вазифасига боғлиқ.

Эксплуатациявий юк остида турган конструкция ва иншоотлар синаш натижаларини назарий ҳисоблашлар билан солишириш уларни ҳақиқий ишлаши ҳақида фикр юритиш имконини беради. Конструкция ёки иншоотни бузувчи юк билан синаш эксплуатациявий юк чегарасини аниқлаш имконини беради.

Лаборатория шароитларида синовларининг икки тури мавжуд; аслий синов – синов объекти аслий ўлчамда бажарилади ва моделларда синаш.

Синов натижаларининг аниқлиги нуқтаи назаридан афзаллик аслий синовларга берилади, чунки модел синов натижалари конструкциянинг аслий ўлчамларига ўтказилганида айrim хатоликлар пайдо бўлиши мумкин. Аммо кичрайтирилган моделларни синаш тайёрлаш меҳнатсарфлилигини ва ашё сарфини камайтиради.

Нихоят, қурилиш экспериментининг ҳозирги замон ҳолати олдида турган мақсадларга йўналтиришни ривожи билан ажralиб туради. Ашёларнинг физик – механик ҳоссаларини, конструкция элементларидағи З зўриқиши – деформация ҳолатларини аниқлаш ҳозиргача синовларда ва илмий тадқиқотларда фойдаланилар ва фақат айrim ҳоллардагина бино қурилиши ва эксплуатациясида сифатни текширишда ишлатилар эди. Ҳозир эса синовлар қатор ҳолларда қурилиш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб қолаяпти.

Хозирги пайтда ишлаб чиқарувчиларга ҳам, қурувчиларга ҳам, иншоот ва биноларни барпо этишда ва эксплуатация қилинди сифатни баҳолашнинг замонавий усуллари ҳақида маълумотлари керак.

I – БОБ. ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА ИНШООТЛАРИНИ СИНАШ.

1.1. Конструкция ва иншоотларни синаш буйича умумий маълумотлар.

Қурилиш конструкциялари ва иншоотларини лойиҳалаш, барпо этиш ва эксплуатация қилиш жараёнлари қатор мураккаб мухандислик масалаларини назарий ва экспериментал ечимлари билан боғлиқдир. Бунда экспериментал тадқиқотларнинг ўрни назариядаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини топишдан иборат. Қатор ҳолларда тадқиқотларнинг назарий усуллари иншоот ва конструкцияларнинг ва унинг мустахкамлигини баҳолашда ожизлик қилиб зўриқиши – деформация ҳолати қолади. Бундай ҳолларда юқоридаги курсаттичлари буйича хуносалар бериш учун ягона йўл – иншоотларни синаш булади.

Иншоот ва конструкцияларни синаш метрологияси мустақил соҳаси сифатида бир асрдан зиёд мавжуддир. Катта ҳажмда қурилиш ишларининг олиб борилиши, йирик илмий текшириш институтларининг барпо этилиши синаш жараёнини мислсиз ўсишига олиб келди. Мустақил давлатлар Хамдустлиги давлатларининг бир неча йирик илмий марказларида («ЦНИИСК», «НИИЖБ», «НИИСК», «Минтрансстройнинг ЦНИИС», «Киев ЗНИИЭП») лаборатория шароитида айрим иншоот фрагментларини аслий ўлчамда синашни амалга ошириш имкониятлари мавжуд. Юқорида санаб утилган илмий марказлардан ташқари, бундай тадқиқотлар ЛенЗНИИЭП да, Грузия фанлар академияси «Қурилиш механикаси ва зилзилабардошлиги» институтида, Белорусия давлат қурилиш қўмитаси, ЎзЛИТТИ ва шу каби қатор илмий тадқиқот институтларида бундай тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Иншоот ва уларнинг моделларини экспериментал тадқиқ этиш Германия, Польша, Чехословакия, Франция, Италия, Япония ва бошқа чет давлатларнинг илмий тадқиқот фирмаларида олиб борилмоқда.

Хозирги вақтда илмий – тадқиқот ишлари ва уларга боғлиқ конструкция ва иншоотларни синашга уларнинг ҳар бирини барпо этиш ва эксплуатация қилиш босқичлари бир вақтда олиб борилади. Конструкцияни ишлаб чиқиш босқичига кўра синашнинг мақсадини қўйидагича ифода этиш мумкин:

1. Иншоотларни лойиҳалаш, уларнинг катта қисмини қамраб олувчи мавжуд назарий ишланмаларга асосан амалга оширилади. Иншоотни ҳисоблашнинг назариясини ишлаб чиқиш, олинган назарий натижаларни ойдинлаштиришга имкон берувчи қатор экспериментал тадқиқотларга таянади. Бунда қўйидаги масалалар характерли бўлиши мумкин:

а) Иншоот ва унинг моделларини синаш йули билан конструкциянинг зўриқиши – деформация ҳолатини аниқлаш, унинг ҳисобий схемасини ойдинлаштириш. Синов натижасида олинган маълумотлар ишлаб чиқилган назарияни баҳолашга хизмат қиласди.

б) Юкнинг қиймати ва интенсивлиги, иншоотнинг айрим физик мухитлар билан ўзаро таъсири натижаси сифатида аниқлаш.

2. Одатда лойиҳалаштирилган иншоот экспериментал текширудан ўтказилиши лозим бўлади. Бу босқичда қўйидаги масалалар ечилади:

а) Иншоотнинг ҳисобий схемасини текшириш ва ойдинлаштириш. Бу масалага мисол бўлиб йиғма ва йиғма – яхлитқўйма иншоотларнинг ҳисобий схемасини ойдинлаштириш хизмат қилиши мумкин.

б) Иншоотнинг айрим боғламларини конструкциялашни тўғрилигини текшириш.

в) Иншоотнинг юк кутариш қобилиятини аниқлаш. Иншоотни бузулишга қадар олиб бориш, унинг схемасини ва бузувчи юк қийматини үрнатиш тадқиқот босқичидаги синовнинг пировард мақсади бўлиб қолади.

3. Замонавий қурилиш амалиётида синов иншоотларни барпо этиш, ва эксплуатация қилиш жараёнида ҳам ўтказишни кўзда тутади:

а) Иншоотларнинг йигма элементларини қурилиш индустряси корхоналарида оммавий равишда тайёрлашда сифат назорати.

б) Иншоотнинг юк кутарувчи конструкциялари едирилган ва ишлаш номеъерий булган тақдирда иншоот ҳолатини текшириш.

в) Аҳамиятли иншоотларни эксплуатацияга топширишдан аввал синов юки билан текшириб қуришни лозим топади.

Иншоот ишлашини үрганишнинг экспериментал усулларига авариялар таҳлилини ҳам киритиш лозим.

1.2. Қурилишда метрология ва стандартлаштириш асослари.

Илмий – техникавий прогресснинг тезланиши шароитларида қурилишда қурилиш конструкциялари, деталлари ва боғичларини унификациялашга, қурилиш конструкцияларини тайёрлаш ва монтаж қилиш сифатини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Қўйилган масалаларни ечиш, қурилишда метрология ва стандартлаштириш ролини кескин оширишни тақозо этади.

Метрология – бу ўлчашлар, уларнинг бирлигини ва талабдаги аниқлигига эришиш йўларини таъминловчи усул ва воситалар ҳақидаги фан. Метрологияда: ўлчашларнинг умумий назарияси, физикавий катталиклар ва уларнинг тизимини бирликлари, ўлчаш усуллари ва воситалари, ўлчаш аниқлигини топиш усуллари, ўлчаш муштараклиги ва ўлчаш воситаларининг бир хиллигини таъминлаш

асосларини, ўлчов бирликларини этalon ёки намуна ўлчов воситаларидан ишчи ўлчов воситаларига узатиш усуллари кўрилади.

Метрология – метрологик таъминотнинг илмий асосидир. Метрологик таъминотда ўлчашибниг ягоналиги ва талабдаги аниқликка эришиш учун керакли илмий ва ташкилий асосларни, техникавий воситаларни, қоида ва меъёрларни ўрнатилади ва қабул қилинади. Метрологик таъминот қўйидаги тизимларни:

– бирликларни юқори аниқлиқда акс эттиришни таъминловчи физик катталикларнинг **давлат этalon** бирлиги;

– ўлчашибниг намунавий воситалари ва бошқа текширув воситалари ёрдамида ўлчам бирликларини барча ўлчов воситалари этalonларидан физик катталикларга узатиш;

– моддий ишлаб чиқариш сферасида, фаолиятнинг илмий – тадқиқод ва бошқа гурларидағи маҳсулот, технологик жараёнлар ва бошқа объектларнинг тавсифларини талабдаги аниқликларини белгилашни таъминловчи ишланмаларни ишлаб чиқаришга қўйишни ва ишчи ўлчов воситаларини муомалага қўйиш;

– ашё ва конструкцияларни олиш ва фсайдаланишдаги технологик жараёнларни ишлаб чиқиши ва илмий – тадқиқодларни ишончли маълумотлар билан таъминловчи физик константалар ва модда ва ашёларнинг хоссалари ҳақидағи стандарт маълумотномаларни ўз ичига олади.

Булардан ташқари метрологик таъминотта:

– серияли ёки оммавий ишлаб чиқаришга ва ҳориждан партиялар билан келтирилишга мўлжалланган ўлчаш воситаларини ишлаб чиқища ва муомалага чиқарища бир хилликни таъминловчи ўлчов воситаларининг давлат синови ёки метрологик шаҳодатлаш;

– тайёрлаш, эксплуатация қилиш ва ремонт қилища ўлчов воситаларининг бир хиллигини таъминловчи мажбурий давлат ва маҳкамавий текшируви;

— қиймат бирликларини акс эттиришни таъминловчи, модда ва ашёларнинг таркиб ва хоссаларини тавсифловчи таркиб ва модда хоссаларининг стандарт намуналари киради.

Ўлчашнинг метрологик таъминоти муаммоси стандартлаштириш олдида турган масалалар билан узвий боғланган. Стандартлаштириш — маълум бир соҳанинг фаолиятини фойдали йўлга қўйиш учун қоидалар ишлаб чиқиш ва қўллашдир. Стандартлаштириш обьектига фанда, техникада, қурилишда фойдаланиладиган, кўп марта қулланиш истиқболига эга бўлган муайян маҳсулотлар, меъёрлар, талаблар, усувлар ва атамалар киради. Қурилишда стандартлаштиришга конструкция ва иншоотларни ҳисоблаш усувлари ва лойиҳалаштириш, ашё ва буюмларга бўлган талаблар, бино ва иншоот конструкцияларини қурилиш ва монтажи босқичидаги қўйимлар, синаш ва ўлчов утказиш усувлари, олинган ўлчов натижаларини тақдим этиш ва кайта ишлаш усувлари ва бошқалар молиқдир.

Стандартлар ишлаб чиқаришнинг тараққиёт суратига ва даражасига катта таъсир кўрсатади. Фан, техника ва амалий тажрибаларнинг энг охирги ютуқларига таяниб стандартлаштириш кўп ҳолларда ишлаб чиқаришда эришилган муваффақиятларни қайд этибгина қолмай шу билан бирга илм ва техника тараққиётининг ричагларидан бирига айланниб қолади.

1.3. Синалиши лозим бўлган конструкция ва элементларни тайёрлаш ва шаҳодатлаш

Синаш учун мулжалланган конструкция ва иншоотларни тайёрлаш экспериментал тадқиқот ўтказишнинг муҳим босқичларидан биридир. Уларни тайёрлашдаги эътиборсизлик натижаларни шу даражада бузиб юборадики, уларни қандайдир баҳолаш ҳам мумкин бўлмай қолади.

Конструкция ва иншоотларнинг экспериментал намуналарини тайёрлаш жараёнига қўйиладиган асосий талаблар қўйидагилардан иборат:

1. Ашёларга бўлган талаблар. Экспериментал намуналарни тайёрлаш учун ашёларнинг физик – механик тавсифлари имкони борича меъёрий курсаткичларга яқин бўлиши лозим. Иншоотларни синашнинг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, одатда текширишга бир нусха буюм қўйилади. Моделларни синаща камдан – кам ҳолларда намуналарнинг сони учтага етади. Шу сабабдан экспериментал иншоотларни тайёрлаш учун ишлатиладиган ашёларни танлаш ва тайёрлаш усули одатдаги технологияга қараганда ашёнинг физик – механик тавсифлари ниҳоятда паст дисперсияни таъминлаши лозим.

2. Конструктив үлчамларининг аниқлигига бўлган талаблар. Синашга мўлжалланган иншоотларнинг конструктив үлчамларининг аниқлиги ниҳоятда баланд бўлиши керак. Бу айниқса иншоотнинг белгиловчи ҳисобий схемасига тааллуқли үлчамларига алоқадордир.

3. Ташки юзага бўлган талаблар. Қурилиш конструкциялари ва иншоотларининг замонавий синовлари синаувчи иншоот юзасига тегиб турувчи катта миқдордаги асбоблар билан тавсифидир. Конструкция юзасига синовлар учун аҳамияти муттасил ошиб борувчи тензорезисторлар ёпиштирилади. Бу эса иншоот юзасининг тозалигига бўлган талабни оширади. Конструкцияни тайёрлаш мобайнида вужудга келган нотекисликлар иншоотнинг ишлашига умуман таъсир этмаса ҳам, юзага ёпиштирилган ёки ўрнатилган асбобларнинг кўрсатмаларини қаттиқ бузиши мумкин.

Шу талабларни ҳисобга олган ҳолда синаладиган иншоот конструкцияларни тайёрлаш одатдаги технологияларда амалга оширилади. Купинча иншоот конструкцияларини тайёрлаш мобайнида синовлар вақтида ўлчов асбобларини маҳкамлаш учун мослама ва қурилмалар қўйиб кетилади. Баъзан эса ўлчов

асбобларининг ўзи ҳам урнатилади. Масалан, темир бетон конструкцияларнинг арматураларига тензорезисторлар ёпиширилади, бетон массивларига ҳажмий зўриқиши ҳолати компонентларини улчаш учун тензометрик элементлар жойлаштирилади. Экспериментал конструкцияни тайёрлаш технологияси нуқтаи назаридан, экспериментал тадқиқот услубини жорий этишни таъминловчи бундай деталларга бўлган талаблар уларнинг йиғинчоқлигига, синаладиган иншоот кесимини ҳам заифлашувидаидир. Иншоотни тайёрлаш босқичлари маҳсус журналда қайд этилади, бунда тайёрланадиган элементлар қўулланиладиган ашёлар ва тайёрлаш технологияси таърифланади. Элементлар ювилмайдиган бўёқ билан тамғаланади. Тайёрлашсанаси худди шундай бўёқ билан элементни ўзига ёзилади. Купинча аслий иншоот ўрнига унинг модели синалади.

Тайёрлаш технологиясини ҳисобга олишни моделинг лойиҳалашдан бошлаш лозим. Хусусан, элементнинг барча кесимлари ниҳоят даражада йириклиштирилган (ўхшашликни сақлаш доирасида) ва соддалаштирилган булиши лозим. Унинг юқуттарувчанилигига ва деформацияланишига таъсир этмайдиган деталларини чиқариб ташлаш керак. Масалан, йирик панелли биноларнинг моделини лойиҳалаштиришда вазифаси чокларнинг герметиклигини таъминлашдан, ҳамда монтаж вақтида элементларни ўрнини белгиловчи деталлар, агар улар кейинчалик иншоотнинг ишлашига қўшилмаса, бундай деталларни тушириб қолдириш мумкин. Моделларни тайёрлашда уларнинг элементлари ўлчамларининг аниқлигига булган талаб анчагина юқори булади.

Ҳар қандай синовнинг бошланиши иншоот ёки унинг моделини шаҳодатлашдан бошланиши лозим. Унинг натижасида иншоот ёки унинг моделини синовгача бўлган якуний баҳоси таркиб топади. Бунда ҳам бутунлай иншоотнинг узи, ҳам уни тайёрлаш учун ишлатиладиган ашёлар баҳоланади. Бу ерда тайерлаш мобайнида юз

берган лойиқадан бейхтиёр оғишларни баҳолаш масаласи қўйилади. Шу билан бирга иншоотдаги бир ашёни иккинчиси билан алмаштириш ва аввал белгиланган тайёрлаш технологиясини ўзгариши билан боғлиқ бўлган мажбурий ўзгаришлар ҳам баҳоланади. Ашёлар сифатини баҳолаш иншоот билан бир вактда тайёрланган назорат намуналарини синаш орқали амалга оширилади.

Иншоот ёки унинг моделини бир намунада тадқиқ этишда одатда синовларнинг етарли даражада катта дастури рӯёбга чиқарилади. Уларнинг ҳар бири конструкцияда озми – кўпми сезиларли қолдик деформация түплайди, дарзлар пайдо бўлади, у ёки бу боғламлар ва элементлар бузулади. Синовларнинг ҳар бир кейинги босқичини бошлишдан аввал шаҳодатлашни қайтариш лозим. Кўпинча унинг натижаси синаувчи объектни қисман ремонт қилиш, унинг ҳисобий схемасини ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилиш бўлади.

1. 4. Мавжуд бино ва иншоотларнинг синаувчи конструкцияларини тайёрлаш ва шаходатлаш

Экспериментал тадқиқотларнинг умумий ҳажмида барпо этилиб бўлинган иншоотни синаш етарли даражада катта урин этгалийди. Бундай ҳолда синов объектини танлаш юқорида баён этилган иншоот экспериментал намунасини тайёрлаш жараёнига услубий жиҳатдан айнан мос келади. Барпо этилган ноёб иншоотни гопширишдан оддин синовни ташкил этишда танлаш муаммоси зўлмайди. Синов объектини танлаш масаласи кўпинча бир типли иншоотлар гуруҳидан синаш вақтида юзага келади.

Танланган синов объектти шаҳодатланади. Бунинг учун ишшоотнинг лойиҳавий ҳужжатлари, ишчи чизмалари, статик қисобларни ўрганиб чиқиш лозим. Кейинги босқич яшириш ташлар

баённомалари билан танишишдан иборат. Лойиҳавий ечим билан уларнинг аслий бажарилишидаги аниқланган тафовутлар маҳсус журналда акс эттирилади. Худи шу ерга кейинги босқич натижалари – иншоотнинг ташқи кўриги киритилади. Уни куриш орқали ёки асбоблар билан ўлчаш орқали амалга оширилади. Кўрик вақтида иншоот элементларининг ҳақиқий ўлчамлари, ҳисобий ораликлар, дарзларнинг мавжудлиги текширилади. Иншоотнинг дарзлари чизиб чиқилган бундай участкаларини расмга олиш мақсадга мувофиқдир. Фотография майдонида расмга олинувчи участканинг тамғаловчи жадвалини жойлаштириш лозим. Йигма – яхлитқўйма иншоотларни ташқи кўригидага уламаларнинг ҳолатига (кавшарлашнинг сифати ва ҳолати), қуйилма деталларнинг анкерланишига, темир бетон конструкцияларга, чокларнинг яхлитлигига алоҳида диққатни қаратиш лозим. Чокларга алоҳида эътибор қаратиш керак, чунки ножӯя яхлитлаш иншоотнинг эксплуатацион сифатини пасайтирувчи сабаблар ичидаги кўпроқ тарқалгани ҳисобланади.

Иншоотнинг тағиқи кўриги вақтида яширин ишлар баённомасидаги ишларнинг ҳақиқий бажарилишининг мувофиқлигини оралатиб текшириш лозим. Баённомалар бўлмаган ҳолда иншоотда қисман очиш ва яширин ишчи элементларни ўлчаш амалга оширилади. Масалан, темирбетон элементларда айрим жойларда ҳимоя қатлами ажратилиб, қўйилган арматурани ўлчанади. Эгилувчи элементларда бундай ҳимоя қатламининг қалинлиги ҳам ўлчанади.

Ташқи кўрик иншоотнинг умумий ўлчамлари билан тутгайди. Унда ҳисобий элементларнинг аслий ўлчамлари, уларнинг шакли, айрим, элементларнинг ўзаро жойлашуви ўз аксини топади. Ташқи кўрикнинг натижасида иншоотнинг аслий ҳисобий схемаси бўлади. Унда иншоотнинг аслий ўлчамлари ва унинг айрим элементларнинг кесимлари бўлиши лозим. Шуни ҳам айтиш керакки, қатор ҳолларда

иншоотнинг деформацияланувчи схемада ишилаши, идеал деформацияланмайдиган схемадан анчагина фарқ қилади. Шунинг учун иншоот элементларининг аслий ўзаро ҳолатлари хамиша тадқиқотчининг диққат марказида бўлиши лозим.

Иншоотни шаҳодатлашнинг иккинчи таркибий қисмига ишлатиладиган ашёларнинг сифатини аниқлаш киради. Бундай баҳолашнинг қўпроқ қўлланиладиган ва ҳақиқатга яқин усули иншоотдан танлаб олинган ашё намуналарини синашdir.

1.5. Бузулмас синов усуллари.

Бино ва иншоотларга кўриш орқали баҳо бериш текширилаётган конструкциянинг ҳолати хақидаги дастлабки маълумотни, конструкция элементларининг эскириш даражаси ҳақида фикр бериш, синовнинг бундан кейинги боришини аниқлаштириш имконини беради. Биринчи навбатда бу ҳолат синовларнинг бузулмас усуларини қўллаш билан боғлиқ, яъни бино ва иншоот конструкцияси ва унинг айрим элементларини бузулишга олиб келмайдиган усуллардир. Бундай синовларни хоҳ статик юклашда бўлсин, ҳоҳ юкларнинг динамик таъсирида бемалол ўтказиш мумкин. Синовларнинг мазкур мажмуаси бино ва иншоотнинг геометрик параметрларини (оралиқлар, қалинликлар, баландликлар ва шу кабилар), ашёларнинг мустаҳкамлик ва структуравий ҳоссаларини, бетоннинг ҳимоя қатлами қалинлиги, арматураларнинг жойлашувини, элементларнинг солқилиги ва деформациясини, силжишининг динамик амплитудасини, конструкцияларнинг тебраниш даврини, айрим нуқталарнинг тезланиши ва ҳоказоларининг қийматини аниқлашни ўз ичига олади.

Бино ва иншоотларни текширишда муҳандислик геодезияси усуллари кенг қўлланилади. Унинг ёрдамида бино ва иншоотларнинг чўкиши, уларнинг сурилиши, дарз ва деформация чокларининг

параметрлари, конструкция элементларининг солқилиги ўлчанади. Муҳандислик фотограмметрия усулларида статик ва динамик таъсиrlарда нуқтанинг силжиши ва конструкция элементларининг деформациялари аниқланади. Сунгти вақтларда лазерли интерференция усули самарали ривожланиб бормоқда.

Қурилиш конструкциялари элеметларини тайёрлаш сифатини назорат қилиш бузулмас ва бузиш синов усулларидан фойдаланиб амалга оширилади. Бироқ ҳар бир буюмни бузиш орқали синаш бемаънилиқдан бошқа нарса эмас, бинобарин бунда буюмнинг ҳақиқий ишлаш ҳолати ҳақида 100% ахборотта эга бўлинса ҳам комбинат ёки завод дарвазасидан қурилишда ишлатишга биронта буюм чиқмайди. Бузулмас усулларда синалаётган обьектнинг тўла тавсифини ҳамма вақт ҳам олиб бўлмайди. Шу билан бирга бундай усуллардаги ўлчов параметрларининг аниқлик даражаси (10 – 15%) амалий мақсадлар учун етарли ҳисобланади. Амалиётда бу икки усулдан биргаликда фойдаланилади. Агар маълум миқдор обьектларда бузулмас ва бузиш усулида синовлар ўтказилиб, сунгра синов натижалари сблиштирилса, у ҳолда уларнинг маълум даражада ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлаш мумкин.

II – БОБ. ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА ИНШООТЛАРИНИ МЕХАНИК УСУЛЛАР БИЛАН СИНАШ.

2.1. СТАТИК СИНОВЛАР.

2.1.1. Умумий ҳолатлар.

Хозирги вақтда конструкцияларнинг зўриқиши ҳолатини экспериментал тадқиқ этиш асосан деформацияни ўлчаш билан боғлиқ булиб қолади. Деформация қийматини билгач, зўриқишини назарий йўл билан аниқлаш мумкин.

Иншоот конструкцияси ташқи куч миқдори ва қўйилиш схемасига, уни тайёрлаш учун ишлатилган ашёларнинг физик-механик хоссаларига, ҳамда курилаётган конструкциянинг геометрик ўлчамларига боғлиқ равишда деформацияланади.

Юк таъсири остида конструкция ёки унинг элементининг геометрияси ўзгаришга юз тутади: толаларининг қисқариши ёки узайиши, кесим ёки нуқталарнинг ўзаро суримиши ва шу кабилар рўй беради. Синов жараёнида бу ўзгаришларни аниқлаш конструкциясининг зўриқиши ҳолати, унинг деформацияланиши ва юк кўтарувчанлиги ҳақида фикрлаш имконини беради.

Айрим боғичлардаги деформациялар, боғичларда конструктив элементларнинг ўзаро силжиши ва бурилиши, ҳамда фибр деформацияларини махаллий деформациялар деб аташ қабул қилинган. Улардан фарқли умуман иншоот конструкцияларининг деформацияси ва суримиши умумий деформация дейилади. Бундан келиб чиқадики, конструкцияни юк остида ишлашини баҳола०т учун юклангунча, юк остида ва юк олингандан кейин камидаги геометрик параметрлари ҳақида ахборотта эга бўлиш лозим.

Бироқ фақаттинга юк таъсирининг энг сунгти натижасинигина эмас, балки юк ўзгариши мобайнида деформациянинг қандай

ривожланишини, яъни деформация – юк боғлиқлигини дискрет ёки қабул қилинган синов услубига боғлиқ равишда муттасил боғланишни билиш фойдадан ҳоли эмас.

Синаладиган конструкциянинг ишлаш схемасини таҳлил этиш үлчаш лозим бўлган параметрларни аниқлаб беради. Синаш жараёнида катталиклари үлчанувчи параметрларнинг тўплами кузатув таркиби ёки үлчаш таркиби деб аталади.

Конструкцияни синашда ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларнинг ҳажми ва мазмуни синов тадқиқот ёки амалий мақсадни кўзлаб ўтказилаёттанига кўра аниқланади.

Биринчи ҳолатда масала ҳисоблаш назариясини текширишга олиб боради. Бунда синов натижасида олинадиган ахборот ҳажми анчагина кенгайтирилади.

Масаланинг иккинчи ҳолатида эса, сифат назорати бўйича синалаёттан конструкциянинг мустаҳкамлик ва деформацияланишини аниқлаш билан чегараланилади.

Синов ўтказилишидан аввал иншоот конструкцияси геометрик үлчамлари үлчаниб ва боғич бирикма ва чоклари диққат билан текширилиши орқали синчиклаб куриқдан ўтказилади. Барча топилган лойиҳавий чекинишлар ва нуқсонлар синов журналига киритилади, лозим бўлганда эса маҳсус чизма ва фотосуратларга олинади.

Синовга тайёргарлик даврида қайд этилган нуқсонлар ва лойиҳавий чекинишларни ҳисобга олган ҳолда конструкция ҳисоблаб чиқилади ёки тайёрланган ҳисоблар текширилади. Қатор ҳолларда турли фикр ва мулоҳазалар ва тахминлардан келиб чиқиб бир неча ҳисоблар қилишга тұгри келади. Бу синов давомида конструкциянинг ҳақиқий иш ҳолатини курсатиш, ашёларнинг физик – механик хоссаларини идеаллаштиришни ҳисобга олган ҳолда уларни ҳисоблашнинг оқилюна схемасини белгилаш имконини беради.

Синовларда юкни меъерийга, махсус ҳолатларда эса ҳисобий ёки бузувчига тенг қилиб олинади. Охирги ҳолатда махсус экспертизанинг қарори талаб этилади.

Синалувчи объектта юкни тақсимланиши лойиҳавий ҳисобий схемага кўра амалга оширилади.

2.1.2. Синаш учун стенд ва қурилмаларнинг турлари.

Қурилиш конструкциялари ва муҳандислик иншоотларини синаш унинг ҳисобий схемасига, юкларнинг қўйилишига ва ўлчашларнинг бажарилишига мувофиқ маълум бир иншоотлар қурилмасини талаб қиласди. Синов ўтказишнинг бу уч ажралмас ташкил этувчиларини таъминлаш синов стендлари ва қурилмалари орқали амалга оширилади. Иншоот ва конструкцияларни кўпроқ тарқалган вертикал юк таъсирига синаш уларни ишчи ҳолатида ўрнатиладиган бикр таянч тузилмаси ҳисобланади. Иншоот ёки конструкцияяга юкни қўйиш гравитацион усул билан – иншоотта таъсири этувчи юкка тенг бўлган миқдордаги юкни териб чиқилади. Юк сифатида чўян қадоқлар, бетон призмалар, фишт, қум ва сув қўлланилади.

Стенд таянчи темир бетон, фиштдан қилинади. Уларнинг кесим юзаси етарли даражадан вазнили бўлиши лозим.

Синалаёттан иншоот ёки конструкциялар қуйидаги турдаги ҳисобий таянишга яқинлаштирилган таянчга эга бўлиши лозим: қўзғолмас шарнирли, цилиндрик ва шарсимон.

Иншоот ва конструкцияларнинг чизиқ буйича бир вақтда барча таянч тузилмасининг иншоотта тегиб туришини таъминлаши лозим. Бу ҳолатда таянчни айрим участкаларга бўлиб чиқиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Масалан, ораёпма панелини энг оддий стендга таянишида қўзғолмас таянч одатда қиррасини юқорига қилиб асосига пўлат тасма кавшарлаб амалга оширилади. Қўзғолувчи

таянч эса қувур ёки айланма кесимли пұлатдан қилинади. Бундай таянчларни панелнинг бутун таяниши бүйлаб яхлит қилиниши, таянч тузилмаларидағи муқаррар солқыллук оқибатида унинг меъёрий ишлашини қаттық бузиб юборади. Таяниши қисқа масофаларга қатор жойлашған юқорида айтиб үтилған конструкция бүйича калта таянчларни құлмашға йұл қўйиш мүмкін. Таянчларнинг стенд ва панелга зич ёпишиб туриши панелни стендга үрнатышда бевосита текисловчи қоришка қатламини қўйиш ёки таянч остига пұлат поналар қўйиш орқали таъминланади.

Гравитацион юқ билан юклашда юкларни юклаш схемасини аниқ бажарилишини қатъий белгиланған тартибда .териши лозим. Синалувчи обьектни тұпланма юклар билан юклашда, одатда, иншоотга осиладиган юқ платформаларидан фойдаланилади. Бу ҳолда күч юзаси маҳаллий әзизишини көлтириб чиқармайдиган тақсимловчи қўйилма орқали қатъий берилған нұқтада узатиласиди. Иншоот узунлиги бүйича текис тарқатилувчи юқ қатор осиладиган юкли платформалар күринишида бажарилади. Бунда платформалар сони юклашдан ҳосил буладиган эгувчи момент муттасил қўйилувчи юқ ҳосил қиласидиган эгувчи моментдан кам фарқ қилиши шарты билан танланади.

Қадоқ тошлар билан майдон бүйича текис тақсимланған юкни қўйишида иншоот юзаси майдонлари тенг бұлған участкаларга булиб чиқиласиди. Қўйилаёттан юкнинг қийматини назорат қилиш учун участкалар майдонини 1 m^2 га тенг қилиб тайинлаш мақсадда мувофиқдир. Участкалар ичида бутун юза бүйлаб бир текисде юклар қўйиб чиқиласиди. Бу ҳолаттарда юкларнинг айрим гурухлари орасыда қадоқлардан свод ҳосил бўлишини олдини олиш учун каттагина оралиқлар қолдириш лозим, акс ҳолда бу юклар тавсифини бузиб, синов натижасида жиддий хатолар содир этади.

Күшинча оддий стендларда синалувчи иншоотларда юкни текис тақсимланишини учун иншоот контури бүйлаб түсиқлар үрнатиласиди ва

унга құм солинади. Бундай юклашнинг камчиликларига авваламбог құмнинг ұжым оғирлигини үзгаришига сабаб бұлувчи юқори даражадаги гигроскопиклігінің айтиш мүмкін. Кейинги камчилиги құмнинг ишқаланиши оқибатида түсиқларнинг атрофида құм босимининг камайишидір. Бу ишқаланишни, агар түсиқлар бүилаб полиэтилен пленка түшаб чиқыла, анчагина камайтириш мүмкін.

Иншоотни сув билан юклаш ҳам құллаб турилади. Тұпламалы юқ, юқорида айтиб үтилған юқ платформалари металл баклар үрнатиш йұлы билан барпо этилади. Текис тарқатылған юқ иншоотда махсус мустақам сув үтказмас методан махсус бассейнлар қилиш орқали барпо этилади. Бундай юклаш тузилмаси фақаттана текис горизонтал юзага зәға бұлған иншоотлардагина құлланилиши мүмкін. Юклашнинг бундай тури пухталик билан бажарылғанда ҳар қалай юкнинг узатилиш бир текислилігі нүқтаи назаридан ва юклаш жараёнининг меҳнатсарфлилігі нүқтаи назаридан ҳам күнгілдагидек дейиши мүмкін. Бундан ташқары сув билан юклаш усули гравитацион юкларнинг бошқа турларида бұлмаган яна бир афзalлікка әгади, бу юкни тушуришни тез бажарылиш имконияти.

Синовларни бундай стендларда үтказиш иншоот ишини тұла экспериментал таҳмил этиш мақсадини үз олдига құймайды. Одатда бундай ҳолларда мөшерій ва ҳисобий юклардан юқ күтартувчанлик ва деформациялар аниқланади. Бунда катта миқдорда ұлчов асбоблари ишлатиш талаб этилмайды. Асбоблар күчма штативларда үрнатиласы.

Юқорида тасвирланған оддий стендлар, конструкция һәм иншоотларни юклаш усуллари дала һәм ишлаб чиқариш шароитларида тадқиқотлар үтказиш учун мұлжалланған. Синовлар үтказиш учун энг яхши имконияттарни универсал қурилмаларға зәға бұлған махсус синов залларида барпо этиши мүмкін. Синов залларида энг қымматбақо нарса – бу анкер ариқчаларига зәға бұлған қалинлігі 60 см дан 3÷4 см гача бұлған бақувват тегінрет бетон

плитадан иборат булган күч полидир. Анкер ариқчалари четлари тұлат прокат профилларидан маңкамланған темир бетон плитанинг күч поли буйлама ариқчалар куринишида бажарилади. Анкер ариқчаларига синов стендларининг таянчлари ва юклөр гузилмаларининг анкер тортқичлари үрнатилади. Күч полининг мавжуддиги стенд таянчларига боғланадиган ва күч құзғатувчиларни инкерлаш учун мұлжалланған махсус балкали конструкциялар гузилмасига булган әхтиёжни бартараф этади.

Синаладиган конструкция ёки иншоот одатда эксплуатацияда қандай бұлса, шундай ҳолатда синалади. Агар иншоотта таъсир этадиган юқда хусусий оғирликнинг ҳиссаси унча катта бұлмаса ва агар конструкциянинг ҳолатини үзгартыриш унга таъсир этувчи күчни унчалик үзгартырмаса, у ҳолда синаш жараёнида конструкция ҳолатини үзгартыришга йүл қойилади.

2.1.3. Юклаш схемасини танлаш.

Юкларни тақсимланиши масаласини мухандислик амалиётида күпроқ тарқалған ҳолатлар учун булған ечимларни күриб чиқамиз.


Плиталарни синаща бир хил:

- балкаларга әрқин таянувчи, кесилувчи плиталар;
- күпоралиқтың кесилмайдыған конструкциялар.

Биринчи ҳолда тадқиқ қилинаёттан кесимнинг иккى тарафиға бир ярим оралиқни юклаш етарлы, чунки плита майдони буйича юклашнинг бундан кейин ошириб бориши деформациянинг қандайдыр ошишига олиб бормайды.

Агар балкалар орасидаги тұлдирувчи йиғма темир бетон плиталардан ёки бошқа шу каби конструкциялардан иборат булса, у ҳолда синалаёттан плитадан ташқары биринчи плитанинг иккى тарафидан яна биттадан плитаны юклаш лозим бұлади.


Күпоралиқли кесилма плиталарни синаш ҳолатида юкни синалаёттан оралиқта, ҳамда унинг икки тарафига бир оралиқ үтказиб, биттадан оралиқта қўйилади. Мазкур ҳолат учун плита урта ёки чекка оралиқда жойлашишига қараб юкнинг тақсимланиши схемаси 1 – расмда келтирилган.



1 – расм. Синалаёттан плитага юкларнинг тақсимланиш схемаси.


Келтирилган схемадан қуриниб турибдик, синаш учун чекка оралиқдаги плитани танлаш фойдали, чунки бу ҳолда синаладиган конструкция минимал юкланишида энг кўп деформация беради. Юклар бир оралиқ атрофида, бир оралиқли плита ҳолатидаги каби, плитани тутиб турувчи балка ўқига параллел йўналишда, яъни юк кутарувчи балкалар орасидаги масофанинг учтасига teng қилиб жойлаштирилади.

Балкаларни синашда, юкни тақсимлаш схемаси уларнинг конструкциясига кўра, ҳамда улар орасидаги тўлдирувчининг конструкциясига қараб белгиланади. Кесилувчи конструкцияли тўлдирувчидан иборат бир оралиқли балкаларда юк 2 – расмда келтирилган схемага мувофиқ бутун оралиқта тақсимланади.



2-расм. Кесилувчи конструкцияли тұлдирувчидан иборат балкаларга юкнинг тақсимланиши.

Кесилмас конструкцияли тұлдирувчидан иборат бир оралиқли балкаларда юк 3-расмда көлтирилған схемага мұвоғиқ бутун оралиқ бүйлаб тақсимланади. Улардан иккитаси бевосита синалаеттан балкага ётади, иккита кейингиси эса 3-расмдаги схемага мұвоғиқ бир оралиқ үтказилиб жойлаштирилади.




3-расм. Кесилмас конструкцияли тұлдирувчидан иборат балкаларга юкнинг тақсимланиши.

Бундай схема қайишқоқ күп оралиқли плитали бикр балкалар учун оқилона ҳисобланади.

Юқлашнинг биринчи схемасыда плита таянчи деформацияланмаслығы ва плитанинг таянч кесимининг бурилишига қаршилик күрсатмаслығы учун идеал ҳисобий схема талабига күпроқ


даражада жавоб беради. Бироқ синовларда ҳамма вақт ҳам юклашнинг қайси схемасига афзаллик бериш кераклигини олдиндан аниқлаш қийин. Шуңдан келиб чиқиб, аввал юклашни биринчи схема бўйича, кейин эса плитанинг буш оралиқларини юклаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Конструкция ҳолати ҳақида қатъий фикр бериш учун, ўлчанган деформацияларнинг икки қийматидан каттарори ҳисоблашларга олинади.

Агар синалавчи балка девордан биринчи бўлса, унда юклаш 4 – расмдаги схемага кўра амалга оширилади, синовнинг иккинчи босқичида эса – ўтказиб юборилган оралиқ юкланади. Худди аввалги ҳолдагидек, ҳисобларда ўлчанган деформациянинг энг катта қийматидан фойдаланилади.



4 – расм. Юкланувчи балка девордан биринчи чеккада жойлашган.

Кўп оралиқли балкалар солқиликнинг қайси оралиқда аникланиши лозимлигига кўра юкланади. Чунончи, агар солқиликни асосий, иккинчи даражали балкаларда ёки оралиқ шарнирларда ўлчаш лозим бўлса, унда юклашни 5 – расмдаги схемага мувофиқ амалга ошириш лозим.




5 – расм. Күп оралиқтама балкаларни юклаш.

Балка үқига нормал йұналиштадағы плиталарга юкнинг тақсимланиши худди бир оралиқтама балкалардагидек юз беради.

Күпоралиқтама кесилмас балкаларни синашда юклаш схемасини танлаш таянч үрнатыш билан аниқланади. Масалан, уч оралиқтама кесилмас қовурғали темир бетон ораёпма балкалар прогон күриништә үрта таянчларга зәг булиши мүмкін ёки улар прогон ва қовурғали балкалар билан бикр bogланған тиргаклардан иборат булиши мүмкін. Бу иккала ҳолат учун юклаш схемаси ҳар хил булади.

Биринчи ҳолда (А Е балкасы) балкага иккі ёқдан оралиқни үтказиб бир участкадан бирлашувчи плиталар юкланды. Бундай юкланишининг схемаси 6 – расмда берилген.




6 – расм. Балка юкланишининг биринчи ҳолаты

Деформация ўлчанганидан сўнг синалаёттан балка қаршисидаги икки бўш плита оралиғи юкланди ва яна кераклик ўлчовлар олинади. Деформациянинг энг катта қиймати ҳисобий деб қабул қилинади.

Иккинчи ҳолда (BF балкаси) синалаёттан балка оралиғига ёндошган икки плитани ва бир оралиқ утиб битта плитани юклаш кифоя қиласди. Ундан сўнг синалаёттан балка қаршисидаги иккита бўш оралиқни юкланди ва юклашнинг иккинчи босқичига боғлиқ бўлган кераклик ўлчовлар амалга оширилади. Деформацияларни улчашнинг ва уларнинг ҳисобий қийматини танлашнинг умумий тартиблари биринчи ҳолатнинг айнан ўзи.

Прогонларни синашда юклаш схемаси прогонларнинг оралиқлиги ва прогон ушлаб турувчи балкалар тизими орқали аниқланади. Бир оралиқли прогонлар худди бир оралиқли балкалар каби юкланди. Прогон ўқига нормал бўлган йўналишда юклаш синалаёттан прогонга балкадан максимал босим берилшини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Кўпоралиқли прогонларни синашда синалаёттан оралиқ ва яна иккита оралиқ 7—расмда кўрсатилган схемадагидек юкланди. Прогонлар ушлаб турган балкалар прогоннинг икки тарафидан юкланди.




7—расм. Кўп оралиқ прогонларни синаш.

Агар прогонинг чекка оралиғидаги деформацияларни үлчаш лозим бўлса, у ҳолда синалаёттан оралиқни ва бир оралиқ ўтказиб яна бир оралиқ, яъни агар АС оралиги синалаёттан бўлса АС ва ДЕ оралиғи, ёки агар FB оралиги синалаёттан бўлса FB ва DE оралиқларини юклаш кифоя.

Қаватлараро ораёпмаларни тутиб турувчи колонналарни синаща ўқ бўйича сиқувчи кучни ва кўндаланг қесимнинг бош ўқига нисбатан эгувчи моментни акс эттириш лозим. Бу колонналарнинг одатда иншоотларда номарказий юкланиши билан боғланган.

Бир вақтнинг узида ҳам максимал ўқли куч, ҳам максимал эгувчи момент олиш деярли ҳеч қажон содир бўлмайди. Шунинг учун синовларда юклашнинг бир неча схемасини амалга оширишга тұғри келади. Одатда бир гал энг кўп нормал куч ва озгина эгувчи момент ҳосил бўлса, бошқасида максимал эгувчи момент ва озгина сиқувчи куч ҳосил бўлади. Демак Д колоннада максимал сиқувчи зўриқиш ҳосил қилиш учун унга туташувчи прогон ва балкаларни 8 – расмда кўрсатилгана схема бўйича юкланди.




8 – расм. Колонналарни синаща юклаш схемаси.

Колонналарнинг бўйлама ва кўндаланг қаторлари текислигига максимал эгувчи момент олиш учун юклашни 8—расмдаги схемага мувофиқ амалга ошириш лозим.

Арка ва сводларни синашда юклар хоҳ симметрик зайдада, хоҳ бир томонлама схемада тақсимланади. Бу билан синалаётган конструкциянинг турли участкаларида деформациянинг максимал қийматини олиш таъминлаб берилади. Шундан келиб чиқиб, свод ва аркаларни юклаш қуидаги схема бўйича амалга оширилади.

Аввал конструкциянинг ярим оралиғи юкланади. Юкни бироз ушлаб туриб, деформациялар ўлчанганидан кейин, оралиқнинг иккинчи ярми юкланади ва яна кераклик ўлчов ишларини амалга оширилади. Сунгра синовнинг биринчи босқичида қўйилган юк олинади. Конструкция шу ҳолатда яна юк остида ушлаб турилади ва деформация ўлчанади, ундан сунг юк олинади. Конструкция юксиз ҳолда ушлаб турилганидан сунг асбоблардан якуний деформациялар ўлчами олинади.

9—расмда цилиндрик сводни босқичлар бўйича юклаш схемаси келтирилган. Юпқа деворли арка ва сводларни синашда қулф кесимига симметрик равишда учдан бир оралиқда қўшимча юк қўйилади. Бу мазкур кесимда максимал солқилик олиш имконини беради.




9—расм. Цилиндрик сводни юклаш схемаси.

Фермаларни синашда турлича юклаш схемалари құлланилади. Ҳар бир хусусий ҳолда юклаш схемасини синаладиган ферманинг конструкциясидан ва синов учун құйилған вазифадан келиб чиққан ҳолда танланади.

Фермалар юқори камарга жойлашган юкни күтариши мүмкін. Агар осма шифт бұлса ёки ферма қандайдір қурилмани ушлаб турса, у ҳолда остки камар ұам юкланған булып чиқади. Томқоплама конструкциясига күра юклар текис тақсимланған ёки ферманинг оғиичларыда жойлашган йығма күчлар күринишида булыши мүмкін.

Агар ферманинг энг катта солқилигини ёки юқори ёки остки камаридағи максимал күчни аниклаш талаб этилса, унда барча күринищдеги фермалар бутун оралиқ бүйлаб юкланади.

Агар ферманинг юқори камари билан пастки камарининг кесишув нүктаси таянч нүктасидан ташқарыда бұлса, у ҳолда панжара стерженларидаги энг күп күчни топиш учун фермани аввал бир тарафлама юк билан юклаб, кейин уни бутун оралиқ бүйлаб юклаш, ва ниҳоят бошланғыч бир тарафлама юкни олиб ташлаш керак. Ҳар бир юклашдан кейин ферма юк остида ушлаб турилади. Сұнгра панжара стерженларидаги деформациялар үлчаниб олинади. Юклашнинг ҳар бир босқычи ферма панжараси турли стерженларидаги энг күп күчни аниклашни таъминлады. Юклашнинг бундай схемаси 10 – расмда көлтирилған.



10 – расм. Фермани юклаш схемаси.

Ферманинг остки камари юкланганда юклаш схемаси үзгармайды. Остки камари билан устки камарининг кесишув нүктаси таянч кесимининг ташқарисига чиқмайдиган фермаларда панжара стерженининг кучи бутун оралық бўйлаб симметрик юклаш орқали аниқланади.

Шундай қилиб, синовнинг барча ҳолатларида конструкциянинг юклаш схемаси назария ва конструкцияни ҳисоблаш асосий ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда танланади.

2.1.4. Балкаларни синаш.

Конструкцияларни синашда ечиладиган асосий масалалардан бири қайишқоқ, қолдиқ ва тұла деформацияларни аниқлашады. Уларни аниқлаш учун синовларда назорат – ұлчов аппаратурасыдан учта саноқ олинади: биринчи – синаладиган конструкция

юклангунча, иккинчи – юк остида, учинчи – юк олиб ташланганидан кейин.

У ҳолда қайишқоқ деформация иккинчи ва учинчи саноқлар айирмаси орқали, қолдик – учинчи ва биринчи саноқлар айирмасидан ва тұла деформация – иккинчи ва биринчи саноқлар айирмаси орқали аниқланади:

$$f_{упр} = n_2 - n_3 ;$$

$$f_{қолд} = n_3 - n_1 ;$$

$$f_{тұла} = n_2 - n_1 .$$

Балканинг солқилик үқини аниқлашда үлчамлар оралиқ үргасида ва таянчларда амалға оширилади.

Солқилик үқи қүйидаги формула бүйічә ҳисобланади :

$$f = f_1 - (f_2 + f_3)/2 ; \quad (1)$$

Бу ерда f_1 – оралиқ үргасидаги солқилик ;


f_2, f_3 – балка таянчларидаги солқилик.

Бироқ конструктив тавсифға зәғ бұлған сабабларға күра балканинг таянч кесімларига ҳамма вакыт ҳам үлчов асбоблари қүйиш имкони бұлавермайды. Бу ҳолда солқилик үқи чекка үлчов асбоблари орасидаги балканинг участкаси учун аниқланади, унинг умумий солқилиги эса – бу катталиқка ҳисобий тузатиши көзoeffициентини күпайтириш орқали топылади.

Бу көзoeffициенттіннің қыймати I_1 ҳисобий участка солқилик үқини оралиғи I га тенг бұлған балканинг умумий солқилик үқига нисбати орқали аниқланади.

Демек 11 – расмда схемаси келтирилған балка учун масала қүйидагича ечилади. Балқадаги I_1 участкаси оралиқ үргасидаги солқилиги ҳисобланадиган мустақил балка деб қаралади:

$$f_1 = qI_1^2 / 384EI[5I_1^2 + 12d_1(I - d_1) + 12d_2(I - d_2)] \quad (2)$$



11 – рasm. Балка солқилигини аниқлаш схемаси.

Оралиғи 1 га тенг бұлған балканиң солқилик үки қуиңдаги ифода орқалы аниқланады

$$f = (5 / 384) * q l^4 / EI \quad (3)$$

(2) ва (3) формулалар бүйіча ҳисобланған солқиликларнинг нисбати ҳисобий тузатыш коэффициенттің катталигини беради:

$$k = f / f_i = 5l_i^4 / (5l_i^4 + 12d_1l_i^2(1-d_1) + 12d_2l_i^2(1-d_2)); \quad (4)$$

Балканиң солқилик үки катталигини ҳисобий тузатыш коэффициентіга күпайтириб синалаёттан балканиң 1 га тенг бұлған оралигининг солқилик үқини топамиз. Балканиң l_i участкаси солқилик үки (1) формула бүйіча топылади, унға үлчов асбобларида олинган саноқ маълумотлари қўйилади.

Кўпинча статик ноаниқ балкаларда таянчдаги эгувчи моментларни аниқлаш эжтиёжи туғилади. Агар таянчнинг эзилувчанлигига аҳамият берилмаса, у ҳолда синовларда балканиң таянч кесимларидан биргина үлчов асбоби кифоя қиласы.

асбобларнинг курсаттичлари бўйича $\operatorname{tg}\alpha_1$ ва $\operatorname{tg}\alpha_2$ нинг қийматлари аниқланиб, кейин эса изланаётган моментлар M_1 ва M_2 нинг қийматлари ҳисобланади.

Демак, бикр таянчлардаги, текис тарқатилган юкли балка учун, M_1 ва M_2 моментлар билан таянч кесимларининг бурилиш бурчаклари тангенслари $\operatorname{tg}\alpha_1$ ва $\operatorname{tg}\alpha_2$ қуйидагича боғланган:

$$\operatorname{tg}\alpha_1 = ql^3 / 24 EJ - M_1 l / 3EJ - M_2 l / 6EJ = 1 / 3EJ (q\epsilon^2 / 8 - M_1 / 2 - M_2 / 2);$$

$$\operatorname{tg}\alpha_2 = e/3 EJ (qe^2/8 - M_1/2 - M_2), \quad (5)$$

Улардан момент кийматлари аниқланади:


$$M_1 = 2 EI/e (\operatorname{tg}\alpha_2 - \operatorname{tg}\alpha_1) + ql^2/12; \quad (6)$$

$$M_2 = 2 EI/e (\operatorname{tg}\alpha_1 - \operatorname{tg}\alpha_2) + ql^2/12.$$

E – балканинг эластицлик модули;

I – кесим инерция моменти.

Агар балканинг таянчи қайшиюқ бўлса, у ҳолда юк остида унда оғиш юз бериши мумкин. Асбоблар балка ўқининг эгилишидан ҳосил бўлган оғиш билан бирга таянчнинг оғиши ҳисобига бутун балкадаги оғиш билан юзага келган таянч кесимининг бурилиш бурчаги тангенсини қайд этади. Бу ҳолда $\operatorname{tg}\alpha_1$, ва $\operatorname{tg}\alpha_2$ қийматларини аниқлашда балканинг оғиш бурчагини чиқариб ташлаш лозим. Бу масалани ечиш учун таянчларни ўтиришини қайд этувчи асбоблар таянч кесимларига ўрнатилади Кейинги ҳисоблар 12 – расмда кўрсатилган схема бўйича бажарилади.



12 – рәсм. Қайшиюқ таянчли балкаларни синап.

12 – расмда схемаси келтирилган балканинг ўқи таянч ўтириши таъсирида β бурчакка бурилади. Балканинг таянч кесимлари юк таъсирида α_1 ва α_2 бурчакка бурилади.

Чап таянчдаги асбоб $\operatorname{tg}\gamma_1$, ўнг таянчдаги $\operatorname{tg}\gamma_2$ га тегишли саноқни беради. $\gamma_1=\alpha_1+\beta$ ва γ_2 эса $\alpha_2-\beta$ бўлгани учун бурчакнинг кичиклигидан қўйидагиларни ёзиш мумкин;

$$\operatorname{tg}\alpha_1 = \operatorname{tg}\gamma_1 - \operatorname{tg}\beta; \quad (7)$$

$$\operatorname{tg}\alpha_2 = \operatorname{tg}\gamma_2 - \operatorname{tg}\beta$$

бу ерда $\operatorname{tg}\beta = \beta - a/e$, яъни таянч чукишини қайд этувчи асбобларнинг курсаттан маълумотлари буйича ҳисобланадиган бурулиш бурчаклари.

Мазкур бобда кўрилган масалалар муҳандислик конструкциялари ишини экспериментал тадқиқ этиш амалиетида кенг тарқалган дейиш мумкин. Бироқ, бу билан биз уларни мавжуд амалий ва муҳандислик конструкцияларини қамраб олган барча масалаларини ечимини берилиди деган фикрдан узоқмиз, зеро улар фақаттана қўйиладиган масала ва муаммоларни ечиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

2.2. СТАТИК СИНОВ УСУЛЛАРИ УЧУН НАЗОРАТ ЎЛЧОВ АППАРАТУРАСИ.

2.2.1. Прогибомерлар.

Статик синовлар ўтказиш учун мўлжалланган асбобларни 2 гурӯҳга бўлиш мумкин: деформацияни ва зуриқишини ўлчаш учун.

Ўз навбатида биринчи гурӯҳ таркибига вазифасига мувофиқ қўйидагилар киради:


умумий чизиқли деформацияларни ва силжипларни ўлчайдиган асбоблар;

бурилиш бурчагини ўлчайдиган асбоблар.

Деформация ва силжишларни ўлчайдиган, кўпинча прогибомер деб аталувчи асбоблар ўлчанадиган силжишнинг диалазонига, талаб қилинадиган аниқлигига ва эксперимент ўтказишга тайёргарлик шароитига кўра турли конструкцияга эга бўлиш мумкин. Баъзи бир ҳолларда аниқлиги $0,1 - 1,0$ мм дан юқори бўлмаган силжишларни ўлчаш учун энг оддий тузилмалар етарли бўлиши мумкин. Катта силжишларда бундай аниқликни етарли деб ҳисоблаш мумкин. Бошқа ҳолларда эса, юқори даражада аниқлик билан ўлчаш – $0,01$ ва ундан юқорироқ – лозим бўлганда мураккаб ўлчов тизилмасига эга бўлган сезгир асбоблар ишлатилади.

Энг содда прогибомерларга бири қўзғалмас асосга маҳкамланган, 2-си конструкцияга ўрнатилинган 2 та планкадан иборат бўлган қурилмани кўрсатиш мумкин (13-расм). Планкаларнинг ўзаро суримишига кўра конструкциянинг деформацияси ҳақида баҳо берилади.

Бундай қурилмалардаги ўлчаш аниқлиги, одатда, унча юқори эмас, бироқ агар металл планкалар пухта тайёrlантган бўлса ва нониус қурилмаси билан таъминланса, у ҳолда ўлчаш аниқлиги $0,1$ мм гача ошиши мумкин.




13-расм. Энг содда прогибомер тузилмаси.

Солқиликни 0,1/0,3 мм аниқлик билан үлчаш учун ричагли прогибомерлар құлланилади. Ричагнинг бир елкасидаги силжиш шкалада қайд этилган 2 – шкаладаги силжищдан К марта күпроқ (К елкаларнинг нисбати). Бундай асбобларнинг камчилиги, улардаги ошириб беришнинг камлигі $k \leq (10' 20)$, уларда люфт ва елкалар нисбатида ноаниқликтар булиши мүмкін.

Худди шу гурұхга вертикальдан оғишни үлчаш учун ишлатилувчи асбоб – шовунни киритиш мүмкін. Үндаги тебранишини сунишини теззатиш учун қовушқоқ суюқликка ботирилади.

Аниқроқ үлчамлар олиш учун редуктор схемасидан фойдаланилган прогибомерлар құлланилади.

Максимов прогибомерларида (14а – расм) шкиф 2 дан үраб олинувчи бир ипнинг силжиши конструкциянинг худди шундай силжишига мос келади ва диск 3 ни $\Delta\varphi$ бурчагига ва стрелка 3 ни к $\Delta\varphi$ бурчагига айланишини келтириб чиқаради. (k – диск ва фракцион барабан диаметрларининг қиймати). Стрелка саноқ аниқлигі – 0,05 м гача.



14 – расм. Прогибомерлар схемаси.


Ўлчаш диапазони – чегарасиз. Унчалик бикр бўлмаган фрикцион бирикманинг мавжудлиги асбобнинг камчилиги ҳисобланади.

Емельянов прогибомерида (14б – расм) айланишнинг узатилиши тишли ғилдирак ёрдамида амалга оширилади; бунда тишли ғилдирак шкиви ва стрелка параллел текисликларда ётади. Бир шкалада бутун миллиметрлар, иккинчи бўйича 0,01 мм гача белгиланади; ўлчаш диапазони – чегарасиз. Тишли бирикманинг люфти тишли ғилдиракли қарама – қарши томонга айлантирувчи пружина ёрдамида бартараф этилади.

Аистов прогибомерида (14 в – расм) принципиал схема аввалги билан бир хил. Лекин такомиллаштирилган конструкция бир вақтнинг ўзида учта шкалада силжишни қуийдаги аниқликларда баҳолаш имконини беради: биринчисида – 1 см гача (тўла айланиш 10 см), иккинчисида – 1 мм гача (тўла айланиш 10 мм), учинчисида – 0,01 мм гача (тўла айланиш 1 мм).

Редуктор схемалиқ прогибомерлар эксперимент шароитига кўра конструкциянинг ўзига хос ёки қўзғалмас асосга маҳкамланиши мумкин.

Унча катта бўлмаган – 5 + 10 мм гача деформацияларни ўлчашда индикаторлар (мессуralар) кенг қўлланилади (15 – расм). Конструкциядаги силжиш 2 тишли ғилдираклар гуруҳини ҳаракатта келтирувчи кремальъерга эга бўлган стержен 1 томонидан қабул қилинади. Тишли ғилдиракларга бикр боғланган стрелка 3 нинг бурилиш бурчаги бўйича стерженнинг силжиши ҳақида фикр юритиш мумкин: бир шкала бўйича бутун миллиметрларда саноқлар олинади, бошқасида, одатда – 0,01 мм гача, айрим конструкцияларда 0,005 мм гача ва ҳатто 0,001 мм гача.




15 – расм. Индикаторнинг принципиал схемаси.

Асбоб комплектига асбобни ҳар қандай керакли ҳолатда маъжкамлаш имконини берувчи штатив киради.

Асбобнинг камчилиги – гарчи принципиал схема ўлчаш доирасини аниқликни пасайтирган ҳолда ошириш имконини берса ҳам, ўлчашнинг чегараланган диапазонда эканлигидага. Мессураларнинг айрим конструкциялари 50 мм гача ўлчаш диапазонига эга бўлган ҳолда 0,05 мм дан кўп бўлмаган аниқликка эга.


Кривомер ва флексиометрлар (16 – расм.) прогибомерларнинг тур куринишига киради.



16 – расм. Кривомерлар.

Кривомер маълум бир фазада В нуқтасининг А ва С нуқталарига нисбатан силжишни аниқлаш имконини беради. Бундай кривомернинг аниқлик даражаси индикатор аниқлик даражаси билан белгиланади.

Катта ошириш коэффициентини берувчи кичик базали ва ричагли схемали кривомерлар флексиометрлар дейилади, (17 – расм), улардаги аниқлик даражаси 0,01 мм гача.



17 – расм. Флексиометрлар.

2.2.2. Тензометрлар.


Маҳаллий сурилиш ва деформацияларни ўлчайдиган барча асбоблар тензометрлар дейилади. Тензометр зўриқишни деформация орқали ўлчашга хизмат қиласди. У икки нуқтани хусусан асбоб базаси деб аталувчи маълум узунлиқда тола чизиқли деформациясини ўзаро сурилишини ўлчашни таъминлаб беради. Агар бу икки нуқта турли элементларга тегишли ёки ўлчов базасида ашёнинг бутунлиги қандайдир бузилган бўлса, у ҳолда албатта гап фақат зўриқишни эмас, ўзаро силжишни ўлчаш ҳақида бориши мумкин.

2÷5 дан 200 мм гача бўлган базаларда тола деформацияси $10^{-6}+$

10^{-3} мм дан ошмайди. Шу қадар кичик деформацияни үлчаш учун турли принципиал схемалар құлланилади: механик, оптик, акустик, электрли, аралаш ва бошқалар.

Агар тензометр масофавий асбоб бұлса, яғни шкаласи үлчаш қисмидан ажратылған бұлса, у ҳолда уни телетензометр дейилади. Тензометрларнинг күпчилиги, асосан телетензометрлар, ҳам статик, ҳам динамик синовларда құлланиши мүмкін.

Механик схемали тензометрлар асосида ричаглар ёки ричаглар тизимидаи фойдаланиш ётади. Елкаларининг нисбатига ва оширилган силжишни қайд этувчи тузулманинг сезгириллігіга күра, тензометрлар турли аниқлікка эга булиши мүмкін. 18—расмда күрсатылған бир ричаглы тензометрнинг ишлаш принципи қуйидагилардан иборат.




18—расм. Бир ричаглы тензометр.

Элемент деформацияланғанда асбобнинг оёқчалар 2 билан таъминланған икки симметрик қисми бұлған ричаг 1 үң 3 атрофида айланади, бунда уларнинг охиридаги силжиш $R = v/a = 10$ елкалари нисбатига тұғри пропорционал. Асбобнинг аниқлігитини 0,001 мм гача

ошириш учун ричагнинг катта елкаси нониус 4 билан таъминланган. Асбобнинг икки симметрик қисмини бир вақтда ўрнатилиши асосан унинг маълум бир катталиқдаги база е ни таъминлаши билан боғланган. Элементнинг қандайдир оралық нуктасига бевосита бир асбобни маҳкамлаш ўлчов базаси қийматининг ноаниқлигини келтириб чиқариш мумкин. Асбоб оддий ва ишончли, аммо базасининг катталигидан (100 мм ва ундан күпроқ) ҳамма вақт ҳам қўлланиб бўлмайди.

Индикаторли тензометр (19 – расм) қўйидаги ҳолда ишлайди. Элемент деформацияси ричаг 1 билан қабул қилиб олиниб индикатор 2 нинг қўзғолувчи стерженига узатилади.



19 – расм. Индикаторли тензометр.

Асбобнинг аниқлиги индикаторнинг аниқлиги (одатда 0,01 мм) билан белгиланади ва 1 ричагининг елкалари нисбатини ўзгариши ҳисобига оширилиши мумкин.


Гутенбергер тензометрининг асосида (20 – расм.) қўйидаги нисбатларда оширилиш ҳосил қилувчи икки ричагдан иборат тизим ётади.

$$R = \frac{b}{\angle l} = nS/\pi r \quad (8)$$

Бу нисбат охирги моделларда 1000 +1200 га teng. Асбобнинг аниқлиги 0,001 мм, кўрсаткичларни алмаштирилмаган ҳолдаги ўлчаш диапазони – $4 \cdot 10^{-3}$ мм, асбоб базаси – 20 мм. Қўшимча деталлар

ёрдамида асбоб базаси бир неча юз мм ларга оширилиши мумкин. Асбоб струбциналар ёрдамида үрнатиласы.

Бу асбобнинг үлчашдаги чегараланган диапазони ва очиқ ҳавода ишлаганда үлчашдаги қийинчиликлар каби камчиликларига қарамай, асбоб үзининг юқори аниқлиги, енгиллиги, схемасининг оддийлиги орқасида кенг қўлланилади.




20 – расм. Гуттенбергер тензометри.

Аистов тензометрининг схемаси (21 – расм.) ричаг ёки ричаглар тизими ва винт жуфтлигидан фойдаланишга асосланган.

Элемент деформациясига тенг бўлган оёқчанинг сурилиши ричагнинг иккинчи елкасида оғиш ҳосил қиласи, электр

занжиридаги контакт узилади ва индикатор сигналы тұхтайди. Винт дискини 100 бұлакка бұлиб, винтнинг қадами 0,5 мм үшін елкалар нисбати $n/m=5$ бұлғанда асбоб саногини $K=(100 \cdot 5 / 0,5) = 1000$ га ошишига, яғни 0,001 мм үшін бұлған бұлак қийматига эришамиз.



21 – расм. Аистов тензометри.

Асбобнинг иккинчи вариантида (216 – расм.) елка нисбатлары бир хил 5:1 үшін бұлған иккі ричаг құлланилади.

Асбоб 20 ёки 50 мм ли, құшымча билан эса 200 мм ли базага зәг. Асбоб эксплуатация қилишінде ихчам ва оддий.

Шуни назарга олиш лозимки, элементларнинг сурилиш деформацияларини ва ұзаро сурилиб силжишларини үлчаш учун хам түрли тензометрлар құлланилиши мүмкін. Бундай үлчашшар учун маңсус мұлжалланған асбоблар – сдвигомерлар – одатда, тензометрлар схемасига жуда үхшаш механик схемага зәг.

Оптикалық – механик схемалы тензометрларнинг ажралиб турувчи хусусияти үндаги синувчи нурни сипаттауда буйицда деформация ұқында фикрлаш имконини беруви күзгүнинг борлығынан жақында.

Оширишни оптик ва механик схемаларини биритириш, бу асбобни низоятда сезгир бўлишига имкон берди.


Мартенс тензометрларида (22 – расм.) элемент деформацияси кўзгу 1 нинг α бурчагига ва кўзгудан қайттан нурнинг 2α бурчакка бурилганига туғри келади, бунда шкала 2 даги саноқ п бирликка узгаради. α бурчаги кичик бўлганлигидан $\text{Sina} \approx 1/\alpha$, шу сабабдан

$$\Delta l = r\alpha = r\pi n / 2L \quad (9)$$

Бу ердан асбобнинг оширилиши

$$R = \pi / \Delta l = 2L / r. \quad (10)$$


Амалда $r = 4+6$ мм ва $Z = 1+5$ м бўлганда оширилиши 500 дан 2500 гача тенг. Шундай қилиб, деформацияни ўлчашнинг бу схемаси етарли даражада аниқ ва ишончли, аммо ишлатишда қўпол. Уни асосан лаборатория шароитларида қўлланилади.



22 – расм. Мартенс тензометри.

Лера – Петерсон ва Лоренс тензометри ҳам ричаг тизими ва кўзгу қўлмашга асосланган, бироқ иккита жиiddий фарқга эга: ҳаракатланувчи қисмларни қайишкоқ эластик пластинкалар кўриннишида бирикиши ва $2,0+5,0$ мм га тенг унча катта бўлмаган база. Элемент деформацияси орқасида вужудга келган базани

ўзгартириш тиргакнинг юқори қисмини бураш орқали бажарилади. Лера – Петерсон асбобида (23 – расм) тиргакнинг жилиши микроскоп билан қайд этилади.



—расм. Лера – генератор ва тиргакнинг схемалари.

Оширилиши 100 га тенг бўлганда ва микроскопнинг ҳам шундай оширилишида ўсбоб 10^{-4} мм аниқланса деформация ўлчаш имконини беради.

Лоренс тензометрида (23 – б расм) тиргакларни юқори қисми қайишқоқ пластинка билан бириктирилган ва унга кўзгу маҳкамланган. Тиргак учларининг силжиши пластинкани эгилишини ва кўзгуни бурадишини келтириб чиқаради. Бу ҳолда микроскопнинг ҳожати йўқ. Саноқлар худди Мартенс тензометридагидек амалга оширилади. Бу вариантда асбобнинг оширилиши $l = 3$ м бўлганда 5000 га етади.


Асбобнинг икки кўзгули вариантида (23 – в расм) оширилиш икки марта кўпаяди ва бунда $l = 10000$ гача етиши мумкин.

Бу гурӯҳ асбоблари ниҳоятда аниқ, уларда беҳуда юришнинг таъсири йўқотилган, бироқ уларда ўлчаш схемаси қўйпол ва фақаттина лаборатория шароитларида қўлланилиши мумкин.

Ишлаш схемасига күра **механик** ва **оптик** схемали компараторлар тензометрларга яқин туради. Бу асбобларнинг ўзига хослиги шундан иборатки, улар нұқталар орасидаги масофани узоқ вақт (ҳатто күп йил) ұлчаш имконини таъминлайды. Бунда галдаги ұлчашдан кейин асбобни конструкциядан чиқарып олиш мүмкін.


Оптик компараторлар (24—расм) учларида иккى микроскопларга эга штангадан иборат. Штанга уч оёқли булиб, улардан иккитаси уячаларга, учинчиси эса ариқчага ўрнатилади. Микроскоплар остидаги элемент юзасига бұлаклар күрсатылған пластинка 2 маҳкамланади. Асбобнинг аниқлігі микроскопнинг тавсифига ва пластинканың бұлакчаларнинг пухталигига болғақ.

Бу асбобнинг заиф томони — құйпол ва температура үзгаришларыга бұлған сезгирлигі.



24—расм. *Оптик компаратор.*


Дүшечкин **механик** компараторлари (25—расм) ичида пластинали пружиналар 4 да маҳкамланған инвар брус 3 бұлған құвұрсымон корпус 2 дан иборат. Компаратор элементта иккى оёқчаси билан таянади, улардан бири корпусда жойлашади, иккінчиси эса — брусада.



25 – расм. Душечкин механик компаратори.

Оёкчалар тешилган уячага киради (25б – расм). Брус элементи деформацияланганида корпусга нисбатан суриласы, буни индикатор 1 курсатади. Асбоб муюмалада оддий ва температура тебранишларини амалда ҳис этмайды.

Механик компараторнинг оддийроқ хилини (26 – расм) сурилувчи оёқчага ва асбобнинг горизонтал ҳолатини таъминлаб берувчи шайтонга эга бўлган штанген циркулнинг варианти ифода этади.



26 – расм. Механик компараторнинг оддий тури.

ТОРЛИ ТЕНЗОМЕТРЛАР

Торли тензометларнинг моҳияти шундан иборатки, уларнинг асосий элементи бўлган торнинг хусусий тебраниш частотаси f унинг тортилиш даражасига боғлиқ ва қуйидаги нисбат билан ифодаланади:


$$f = \frac{1}{2l} \sqrt{\frac{\sigma}{\rho}}; \sigma = 4l^2 * \rho * N^2 \quad (11)$$

бу ерда, l – торнинг узунлиги;

ρ – топ ашесининг зичлиги.

Агар торнинг учлари синалаётган элементнинг икки нуқтасида бикр боғланган бўлса (27 – расм), у ҳолда топ деформациялангунича тензометр қўйидаги тавсифларга эга бўлади: торнинг узунлиги l , зўриқиши σ хусусий тебраниш частотаси f_1 , Δl га деформациялангандан кейин мос равища: $l + \Delta l$, σ_2 , f_2 . Агар Δl қийматини эътиборсиз қолдирсак, зўриқишининг ортигаси тенг бўлади.

$$\Delta \sigma = \sigma_2 - \sigma_1 = 4l^2 \rho (f_2^2 - f_1^2). \quad (12)$$



27 – расм. Торли тензометр схемаси.

Умумий ҳолда топ синалаётган конструкция ёки буюм юзасидан қандайдир масофада жойлашганилиги учун, қалбаки тола деб аталувчи бўлганилигидан, ўқли сиқилиш ва чўзилишда элемент ва толанинг нисбий деформацияси тенг, эгилиш мавжуд бўлганда эса нейтрал ўқдан бўлган масофани ҳисобга олиш зарур бўлади.

Торли асбобга мисол бўлиб, бетон деформациясини ўлчаш учун мўлжалланган – бетон тензометри хизмат қиласи (28 – расм). Учларида дискли 1 икки телескопик бирлаштирилган қувурчалардан ташкил топган асбобнинг корпусига 2 топ тортилган. Торнинг тебраниши электромагнит уч билан қўзғатилади. Ўз навбатида

торнинг тебраниши электромагнитли ўзгарувчан токни индукциялайди.




28 – расм. Бетон тензометри.

Торли тензометрлар ёрдамида деформацияни аниқлаш синалаёттган элемент деформацияланишидан оддин ва кейин торнинг хусусий тебраниши частотасини аниқлашга олиб келади.

Тор тебраниши частотасини ўлчашнинг 3 та принципиал схемаси мавжуд:

- Резонансли;
- ўз – ўзини қўзғатиш схемаси (автотебраттичли);
- сўнувчи тебраниш частотасини ўлчаш схемаси.

Резонансли схемада (29 – расм) ўрамига ўзгарувчан ток юбориладиган электромагнит 1 тор тебранишини қўзғатади. Тебраниш ўз навбатида электромагнит ўрамида кучлантирувчи 2 орқали индикаторга (оператор наушниги, гальванометр ёки осциллограф) юборилувчи ток индукциялайди. Генератордаги ток тебраниш частотаси тор хусусий тебраниш частотасига мос келганда, яъни резонансда, индикатордаги сигнал кескин ошади.



29 – расм. Резонансли үлчов схемаси.


Автотебратгичли схема (30 – расм) тавсифи шундан иборатки, торнинг хусусий тебраниши электромагнит үрамида 2 худди шундай частотали ток индукциялайди. Кучайтиргич орқали ток электромагнит 1 ўтади, унда резонанс режимида тор тебранишнинг кучайишини, демак кучайтиргичга борадиган сигнални келтириб чиқаради. Торнинг хусусий тебранишига тенг бўлган ток частотасини частота үлчагич қайд этади.



30 – расм. Автотебратгич схемаси

Ниҳоят, сўнувчи тебранишлар частотасини үлчовчи схемаси (31 – расм) шундан иборатки, «электроузгич» ёрдамида, яъни электромагнит үрамига қисқа муддатли ток берилганда, тор тебраниши қўзғолади (31б – расм).

Бу тебранишлар ўрамида кучлантиргич орқали индикаторга узатиладиган частотадан ток индукциялады. Бир вақтнинг ўзида худди шу томонга генератордан бошқариладиган частота юборилади. Индикаторнинг турига кўра частоталарнинг мос тушиши ҳақида наушникларда ёки осциллограф экранидаги Лиссаж фигураси бўйича фикр юритилади.



31 – расм. Сунувчи тебраниш частотасини ўлчаш схемаси

Генератор сифатида камертон ёки тортилиши бошқариладиган этalon тордан фойдаланилади. Уни сунувчи тебраниш режимига ишчи тор билан бир вақтда киритилади (31в – расм).

Сўнгги схема бўйича қурилган асбобга мисол бўлиб, ВНИМИ тизимли электрон частотомер хизмат қилиш мумкин (32 – расм). Бу асбоб Δt муддатли юз даврга teng, тор тебранишини ўлчайди ва $T_{ур} = \Delta t / 100$ даврнинг ўртача қийматини аниқлайди. Ундан керак бўлганда частота қийматини топиш осон.



32 – расм. ВНИМИ тизимили электрон частотамерлар.

Асбобнинг сезир частотаси деформациясини электр занжиридаги қандайдир параметрни үзгаришига (қаршилик, сигим ёки индуктивлик) олиб боришга асосланган тензометрлар усули частотали усул билан бир қаторда истиқболли куринади. Қаршилик тензометрлари энг күп құлланадиган асбоблардан дейиш мүмкін.

Асбобларнинг бу гурухига симли ва тензоритли (кумирли) қаршилик тензометрлари киради. Баъзан худди шу гурухга асосан катта динамик силжишларини үлчаңда фойдаланадиган потенциометр схемали асбобларга киради.

Симлик қаршилик тензометрлари ассосига үтказувчиларнинг чүзилиши ёки сиқилиши жараёнида үзининг ОМ қаршилигини үзгартыриш ётади, бу ҳолат қуйидагича боғлиқлик билан ифодаланади.

$$\Delta R/R = \eta \Delta I/I = \eta \xi, \quad (13)$$

бу ерда: ΔR – үтказувчиларнинг деформациялангунича бўлган қаршилиги;

ΔI – үтказувчининг узунлигиг ёки база;

l — узунликнинг ўзгариши;

η — нисбий сезирлик (ашёнинг тензосезирлиги ўтказгичнинг узунлиги назарий жиҳатдан икки марта ошганда қаршиликнинг нисбий ўзгариши, яъни константа ўтказгич учун $\eta=2,0-2,2$ нихром ўтказгич учун $\eta=3,5$);

ξ — ўтказгичнинг нисбий деформацияси.


Агар изоляция қатлами 2 ни ётқизиб (33 – расм), ўтказгич 1 ни синаувчи элемент 3 бир бутун равишда бириктирилса, у ҳолда ўтказгичнинг деформацияси элементнинг тегишли участкасидаги деформациясига тенг бўлади, яъни ўтказгичнинг қаршилигини ўзгариши бўйича конструкциядаги нисбий деформация ҳақида фикр билдириш мумкин.



33 – расм. Қаршилик тензометрини ишлаш схемаси.

Одатда симлик тензометрлардан эластик деформацияларни аниқлашда ва маълум эластиклик модули бўйича зуриқиши ҳисоблаш учун фойдаланилади. Бироқ, улар айрим участкаларда деформацияни ёғоч, бетон ва пулат, шу жумладан ута мустаҳкам пулатнинг эластиклик чегарасидан ташқари ҳам аниқлаш имконини беради. Бу шу билан изоҳланадики, ёпиширилган сим пропорционаллик, ҳатто оқиши чегарасидан ўттанидан кейин ҳам бир текис деформацияланаверади. Константа сими учун деформациялашнинг чизиқли тавсифи $\Delta R=f(\xi)$ амалда $\xi=1,0-1,5\%$ гача сақланиб қолади.

Датчиклар одатда ёлғыз бұлмаган илон изи күринишидаги симни (панжарали) 1, юпқа қоғоз 2 варақага ёпиштирилганини ифода этади (34 – расм).




34 – расм. Датчикларнинг күриниши.

Шикастланишдан сақлаш учун сим устидан иккинчи қатlam қоғоз 3 ёпиштирилади. Симли панжара каттароқ диаметрдаги сим кесимлари күринишидеги ёки тасма фольга күринишида 4 чиқиши жойига эга.

Датчик базаларини құллаш мақсадига ва үлчаш шароитига күра 3 дан то 150 мм гача чегараларда (бунда қаршилик 30 – 50 ОМ дан 2000 ОМ гача үзгаради) бұлган датчиклар күпроқ құлланилади. Датчикларнинг оғирилігі жуда кам ва үндән бир граммларда үлчанади.

Синалаёттан элементнинг зўриқиши ҳолатини тавсифига күра бир нүктасига бир ёки бир неча датчиклар ёпиштирилиши мүмкін: бир ўқли зўриқиши ҳолатида ва бош деформациянинг маълум йўналишида – иккита датчик (35б – расм), бир нүктага ёпиштирилган «розетка» ҳосил қиласи (35в – расм).



35—расм. Датчикларнинг синалаёттган элементдаги ўрни

Симли датчиклар қатор афзалликларга эга:


- кичик үлчам ва оғирлик, юриш қийин жойларга ўрнатиш имконияти;
- деформацияни эпкинли хатоларсиз, частотанинг кенг диапазонларида — 0 дан 30 кгц гача үлчаш имконияти;
- саноқ олинишининг оддийлиги, кўрсатмаларнинг бир текислиги, анчагина юқори аниқлик.

Шу билан бирга улар айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас: датчиклар бир марта ишлатилиши мумкин, яъни кўчириб олиб яна ёпишириш мумкин эмас, бундан келиб чиқадики танлов орқали синааб кўриш лозим.

Сим ва елим зўриқиши ҳолатида оқиши хусусиятига эга, бу эса хақиқий деформация ҳолатини бузиб кўрсатишга олиб келади. Шу сабабдан симлик датчиклардан қисқа муддатли синовларда фойдаланилади, деформацияни узоқ муддат назорат қилишища эса кўпинча бўлак схемага эга бўлган датчиклар қўлланилади.

Қаршилик датчиклари сифатида ярим ўтказгич ашёлардан фойдаланиш мумкин. Булар асосан тензоритлар — асосий қисм графит ёки кўмир бўлган пластмассалар. Сунгти вақтларда тензометрларда радиотехникада қўлланиладиган айрим ярим ўтказгичлар, хусусан германий ва кремнийдан фойдалана бошланди.

У ёки бу шаклдаги (пластина, иплар, устунлар, юпқа пленкалар ва бошқалар) тензоролит элементлар деформацияланганда үзининг электрик қыршилигини анчагина үзгартыриш хоссасига эга; уларнинг сезгирилги симлик датчикларга қараганда деярли 10 марта юқори. Бундай элементни асбобнинг сезгир қисми сифатида қўйиб ва уни электр занжирига киритиш билан куч ва деформацияни ўлчаш учун фойдаланиш мумкин (36 – расм).



36 – расм. Датчиклар схемаси.

Тензоролит датчикларининг ижобий томони юқори сезгирилк. Бу сифат ўлчов аппаратурасига бўлган талабни пасайтириш, қатор ҳолларда эса кучайтиргичсиз ишлаш имконини беради.

Бироқ кўрсатмаларнинг бекарорлиги, уларнинг температура ва намлика боғлиқлиги, гистерезис омилиниң мавжудлиги (тўғри ва тескари юришдаги кўрсатмалардаги фарқ), тензоролит датчиклари аниқлиқда симлик датчиклардан орқада қолади. Бундан ташқари улар механик жиҳатдан мустаҳкамлиги паст бўлганлигидан, симликларга қараганда анча кам қўлланилади.


Тензорезисторларнинг панжараси деформацияланганда унинг қаршилигини үзгариши мингдан бир ОМ ларга тўғри келади. Бундай кичик қаршиликлар одатда кўприклар деб аталувчи маҳсус электр занжирлари ёрдамида ўлчанади. Тензорезистор қаршилигининг үзгариши ўлчаш учун Уистон кўприги ва Кельвин қўш кўприги схемаси қўлланилади.

Замонавий тензометрик асбоб фақат тамойилда бу схемани такрорлайди. Улардан күпчилги мураккаб электрон асбоб бўлиб, электр катталикларини ўлчаш жараёнида юзага келувчи қатор жиддий хатоларни бартараф этиш имконини беради. Бу асбоблардан айримлари кўприкни автоматик равища мувозанатлаш имконига эга бўлиб, шкалаларида эса маълумотларни қайта ишлаш хажмини кескин камайтирувчи омил, яъни нисбий деформацияларни тўғридан тўғри курсатилган.

Бино ва иншоотлар синови амалиётида кўпроқ тарқалган айрим тензометрик асбобларнинг техник тавсифларини баён этамиз.

Статик деформацияларни ўлчаш асбоби ИСД-3, ҳам лаборатория, ҳам дала шароитларида муваффақият билан қўлланилган кичик ўлчамли асбобни ифодалайди. Асбоб зўриқиши 4,5 вольт бўлган КБС-Л-0,5 русумдаги битта батарея билан автоном равища ишлайди. Асбобдаги бўлаклар катталиги $1 \cdot 10^{-5}$ нисбий деформацияга. Асбобга бевосита 20 тензорезисторни улаш мумкин. Асбобни кўчма коммутатор билан ҳам фойдаланиш мумкин.

Деформацияни автоматик мувозанатловчи кўприклар АИ-1 ва АИД-1 автоматик мувозанатланувчи кўприкларни ифода этади. Асбоблар ўзгарувчан ток тармоғидан қувват олади. Асбобнинг ўлчов диапазони $1 \cdot 10^{-2}$, бўлаклар катталиги $1 \cdot 10^{-5}$. Асбоблар 102 фаол ва 6 компенсация тензорезисторларини кўприкка улайдиган коммутатор билан бирга чиқарилади. АИД-1 асбобнинг коммутацияловчи тузилмаси билан умумий куриниши 37-расмда кўрсатилган.



37 – расм. АИД – 1 асбобининг коммутацияловчи тузилмаси.

Дискрет чиқишили автомат равишда тензометрик резистор ТК – 2 тензометрик мажмуани ташкил этувчи қатор асбоблардан иборат. Бу мажмуага автоматик мувозанатланувчи куприк АИ – 3 асбоби ҳам киради. АИ – 3 стрелкаси муттасил ўлчаш курсатгичларига ва дискрет рақамли чиқишига эга.

Мажмуанинг коммутацияловчи тузилмаси бўлиб, 4 та 100 – позицияли автоматик ўтказувчан АП – 1 хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири 99 фаол ва 12 компенсацион тензорезисторларни улаш имконига эга.


Ўтказувчининг максимал тез ҳаракатланиши 1 секундда 4 ўтказувни ташкил этади. Асбобининг курсатмаси рақам босувчи блокда ЦП қайд этилган ва ПЛ – 20 тасмали перфораторга ёзиб чиқарилади. ЦП эксперимент маълумотларни қайта ишлаш учун ҳисоблаш машинасига киритиш имконини беради.

Юқорида санаб ўтилган асбоблардан ташқари илмий – текшириш институтларида ва олий – ўқув юртлари лабораторияларида электротензометрлаш бўйича Ватанимизда ва хорижда чиқарилган бошқа асбоблар муваффақият билан ишлатилмоқда.

2.2.3. Клинометрлар.

Бурилиш бурчагини ўлчаш учун қўлланиладиган асбоблар клинометрлар дейилади. Амалда қўлланиладиган клинометрлар одатда механик схемага эга. Бу схемаларда сезгир элемент сифатида маятник ёки шайтон хизмат қиласди. Бурилиш бурчагини ўлчаш учун қўлланиладиган энг содда тузилма аввалроқ айтиб ўтилган шовун дейиш мумкин.


Шайтонли клинометр, ёки Стоппони клинометри, синалаётган конструкцияга бикр маҳкамланган асбобни ифодалайди (38 – расм).



38 – расм. Шайтонли клинометр.

Кесим, демакки асбоб бурилганда, шайтондаги томчи бир томонга оғади. Винт 2 ни айлантириш ва сурилиши ва пружина 3 нинг ҳаракати шайтонни яна горизонтал ҳолатта олиб келади. Бурчак катталиклари мосланган винтнинг сурилишига кўра оғиш бурчагининг ўзгариши, яъни кесим бурилиш ҳақида фикр юритилади. Асбоб кичик ўлчамли, содда ва етарли даражада аниқликка эга.


Маятникини Аистов клинометри (39 – расм) худди аввалгилик, конструкцияга бикр маҳкамланади. Конструкцияни бурилиши маятникни оғишини ва занжирнинг узилиши ва индикатор сигналининг (лампочка ёки қўнғироқ) ўчишини келтириб чиқаради.



39 – расм. Маятникли Аистов клинометри.

Бурчак қийматларида мосланган винт сурилиши билан занжир яна тикланиши мумкин. Асбоб кичик үлчамли, аниқлик даражаси юқори (5 гача), аммо аввалгига қараганда ўрнатилиш ва ишлатилиши мураккаб.

Ричагли клинометрларнинг (40 – расм) хусусияти ричагнинг икки нүктасини сурилиши буйича бурилиш бурчагини аниқлашдан иборат. Сурилиш прогибомерлар ёрдамида үлчанади. Бундай тузилма бир қадар қупол, бироқ схемаси буйича оддий ва ниҳоят аниқ.



40 – расм. Ричагли клинометр.

Дарҳақиқат, прогибомернинг аниқлиги 0,01 мм ва базаси 1000 мм бўлганда $\text{arc tg} \alpha = 0,00001$, яъни тахминан 2° тенг бўлган бўрилиш бурчак аниқланиши мумкин.


2.2.4. Динамометрлар.

Зўриқиши деформациясини бевосита ўлчаш имконияти улкан кизиқиши уйғотади. Деформациядан зўриқишига ҳисобий йўл билан утиш назарий ифодалардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб, кўпинча ҳақиқатдан узоқроқ бўлади. Бундан ташқари бундай утиш эластиклик модули, Пуассон коэффициенти ва шу каби бошқа экспериментал йўл билан аниқлаш муракаб бўлган физик – механик тавсифларга эга бўлишини тақазо этади.

Ва ниҳоят, қатор ҳолларда деформация қиймати бўйича зўриқиши ҳақида фикрга келиш мутлақо мумкин эмас. Масалан, агар тўғри стержен учларини қўзғалмас қисқичга маҳкамлаб қўйилса, у ҳолда температура ўзгаришида унинг бўйлами деформацияси 0 га тенг бўлади. Шу билан бир вақтда стержендаги зўриқиши температуранинг ўзгаришишига қараб ўзгаради. Бетонни киришиш деформациясидаги ҳолатида ҳам ҳудди шундай ҳулосага келиш мумкин.

Зўриқиши тўғридан – тўғри ўлчаш масаласини ечишдаги ютуқларни авваламбор физикадаги замонавий ютуқлар билан боғлаш мумкин. Бунга мисол бўлиб зўриқиши тадқиқотнинг магнитометрик усулларининг ривожланиши имкониятлари билан боғлиқ имкониятлар хизмат қиласди.


Арматура стерженларидаги кучни ўлчаш учун арматура диномометрлари АД қўлланилади. Асбоб (41 – расм) кесим юзаси арматуранинг кесим юзасига тенг бўлган стержендан иборат бўлиб, ундан бир бўлак кесиб олинган арматура урнига кавшарланади.



41 – расм. Арматура динамометри.

Сезигр элемент сифатида АД симли тензометр 1 ёки тор 3 га тенг. Асбобни мослашда биринчи ҳолатда $P - \Delta R$ боғланиши топилади (куч – қаршиликнинг ўзгариши), иккинчи ҳолатда эса – $P - \Delta f$ (куч – торнинг тебраниш частотаси ўзгариши). Шундай қилиб, синов жараёнида ΔR ёки Δf қийматларини ўлчаб, Р кучнинг катталигини аниқлаш мумкин, уни майдонга булиш эса зўриқишининг қийматини беради.


«Асос – пойдевор» чегарасидаги контакт зўриқишини ва тўкма грунтнинг деворга бўлган босимни аниқлашда *грунт динамометри* ГД қўлланилади (42 – расм). ГД баландлиги диаметрдан анчагина кичик бўлган буш цилиндр кўринишига эга. Цилиндр тубида (мембранныса) қаршилик тензометри ёпиштирилган ёки тор махкамланган. Улар мос равишда ташки босим остида мембраннынг эгилишида қаршилик ва тебраниш частотасини ўзгартиради. Асбобни мослашда $q - \Delta R$, ёки $q - \Delta f$ боғланиш топилади, бу эса синов жараёнида ΔR ва Δf нинг ўлчанган қийматларига кура kontaktli зўриқишининг катталаги ҳақида фикрлаш имконини беради.



42 – расм. Грунт динамометри.

Карлсон томонидан таклиф этилган бетонли динамометр БД симоб билан түлдирилганды тұла дискка 1 зға (43 – расм).

Бетондаги зүриқиши таъсири остида диск деформацияланады. Үз навбатида симобнинг мембрана 2 ни деформациялады, бу эса тор ёки қаршили тензометри күринишидаги сезгир элемент томонидан қайд этилади.



43 – расм. Бетонли динамометр.

Асбобни мослашда $\sigma - \Delta R$ ёки $\sigma - \Delta t$ боғланиш топилади. Асбоб схемасидан күриниб турибиди бу усул билан фақаттана сиқуучи зүриқишларни үлчаш мүмкін.

2.3. Динамик синовлар.

2.3.1. Умумий ҳолатлар.

Динамик юк таъсири остида конструкция зўриқиши ҳолатининг деформацияланиши ва ўзгариши худди статик юк таъсири остида бўлганидек, чизиқли ва бурчак компонентларининг ўзгариши билан, яъни конструкция нуқталарининг ўзаро ва фазовий силжиши билан, ашё толаларининг узайиши, кесимларнинг буралиши билан тавсифланади. Динамик юк таъсирида бу жараёнлар нисбатан тез кечади, шунинг учун мазкур ҳолатда синовчини кўпроқ чизиқли ва бурчак компонентларининг вақт мобайнида ўзгариши қизиқтиради.

Чизиқли компонентларни тадқиқ этиш учун вақт функцияси сифатида ишлатиладиган асбоблар виброметр, бурчак компонентларини эса торсиометр деб аталади. Бу функцияларни билиш ўлчов натижаларини таҳдил этишда у ёки бу даражадаги католик билан биринчи, иккинчи ва учинчи ҳосила ифодасини, яъни тезлик, тезланиш, амплитуда ва частотанинг вақт функциясига боғлиқлигини таҳдил давомида эмас, балки бевосита экспериментда олиш лозим бўлади. Бу катталикларни ўлчаш учун ишлатиладиган асбоблар тегишли равишда велосиметр, акселорометр, амплитудомер ва частотамер деб аталади. Агар механик катталикларни қўшимча қайта ўзгаришсиз электрили асбоблар виброграммалар, яъни ўлчанувчи компонентлар эгрилиги ўзгаришини вақт мобайнида олиш имконини берса, унда уларни виброграф, торсиограф, акселограф деб аташ қабул қилинган.

Хозирги вақтда тебранишни ўлчашнинг икки тамойили мавжуд – кинематик ва динамик. Биринчи ҳолда ўлчаш ускунаси ташки мустақил қўзғалмас координат тизимига бикр боғланган, ва тебранаёттан элементнинг силжиш катталиги ўлчов ускунасига нисбатан унинг ҳақиқий силжишига teng.

Кинематик тамойилдан фойдаланишга эгилаёттан ёпма балка ёки ферманинг ҳавозага маҳкамланган шкалага нисбатан тебранишини ўлчаш мисол була олади. Толанинг бўйлама деформациясини ўлчашни ҳам кинематик тамойилга алоқадор дейиш мумкин, чунки таянч нуқталардан бири ва нуқталарни бирлаштирувчи туғри чизик қўзғалмас координат тизими каби қаралиши мумкин ва унга нисбатан иккинчи таянч нуқтаси силжийди.

Аммо ташқи қўзғалмас координат тизимини вужудга келтириш кўлгичлик ҳолларда машаққатли ва шунинг учун кўпинча ўлчашнинг иккинчи – динамик тамойили қўлланилади. У шундан иборатки, инерцион схема (кўпинча бу пружинага маҳкамланган масса) ёрдамида тебранаёттан жисмнинг силжиши ўлчанадиган координат тизими барпо этилади. Инерцион схема ва ўрганилаёттан ҳаракат тавсифлари нисбатини билиш орқали, нисбий силжишдан бирон қўзғалмас координат тизимининг силжишига, яъни ҳақиқий силжишига ўтиши мумкин.

Ҳозирги вақтда тебраниши ўлчашнинг кўпгина усуллари бор. Лекин, улардан ишоот конструкцияларини синашда энг кўп қўлманаёттанларини шартли равишда уч гурухга бирлаштирилиши мумкин: механик, оптик ва электрик.

Механик усуllibарда: тадқиқ этилаёттан элемент ҳаракат параметрлари қайта тузишсиз механик воситалар ёрдамида ўлчанади, масалан, соат типидаги индикаторлар билан (мессуралар билан), ўлчанаёттан параметрларни қўзғалмас ёки маълум бир тезлиқда ҳаракатланувчи майдончада бевосита график тасвирини берувчи мосламалар билан.

Ўлчашнинг оптик усуllibари шундан иборатки, бунда тебраниш оптик восита ёрдамида синовчи учун керак бўлган йуналишда қайта тузилади. Ўлчашнинг бу усулига асосланган воситаларга

вибромаркалар, оптик катталаштирадиган воситалар, геодезик асбоблар, күзгүли қурилма, ҳамда фото ва кинотехника воситалари.

Үлчашнинг электрик усуллари күпроқ ривожланган ва истиқболли ҳисобланади. Унинг асосий ўзгариши электромагнит асбобларнинг шкалаларида кузатиш мумкин бўлган ва осциллограф ёрдамида пленкаларга муҳрланувчи электрик катталиклар датчиклар ёрдамида механик параметрлардан ҳосил қилинади.

Қайта тузишининг қандай ўтишига кўра датчиклар генераторли, яъни механик ҳаракат энергияси электр ҳаракатлантирувчи кучга айланади ва механик катталикларнинг ўзгариши электр занжирнинг (қаршилик, индуктивлик, сифим) ўрганилаётган ҳаракат тавсифига боғлиқ бўлмаган энергиянинг доимий манбага эга бўлган параметрлари ўзгаришидан қайта тузилувчи параметрик турларда бўлиши мумкин.

Бу гуруҳ асбоблари қатор афзалликларга эга, улардан асосийлари қуидагилардан иборат: масофавий үлчаш ва үлчашни автоматлаштириш имконияти, датчикларнинг ихчамлиги, қайд этишининг олий сифати, бир неча датчикдан сигналларни бир вақтда қайд этиш имконияти, үлчаш жараёнида сигналларни қайта тузиш (интеграллаш ва дифференциаллаш) имконияти.

2.3.2. Иншоотларда динамик жараёнларни экспериментал тадқиқ этиш.

Динамик юкларни иншоотта таъсир этиш тавсифи бўйича қуидагича ажратиш мумкин:

зарбли, ёки бирдан қўйиладиган;

қандайдир қонун бўйича (кўпинча гармоник қонун бўйича) ўз амплитуда ва частотасини ўзgartириувчи титратувчи юк;

тасодифий тавсифга эга бўлган ғайриқонуний динамик юклар.

Кўпинча иншоотта зарбли ва титратувчи юклар бир вақтнинг ўзида таъсир этиши мумкин. Бу ҳолда тадқиқотчининг вазифаси бу юкларнинг ҳар бири учун тегишли бўлган таъсир натижасини ажратишдан иборат бўлади.

Иншоотларни динамик юк таъсирига синашда уларда эркин ва мажбурий бўлиши мумкин бўлган тебранишлар вужудга келади. Эркин тебраниш деб иншоотнинг мувозанат ҳолатидан чиқарилгандан кейинги шу ҳолатта нисбатан даврий силжишга айтилади.

Иншоотнинг эркин тебраниши энергиянинг сийракланиши оқибатида сунувчи тавсифга эга. Тадқиқотчани иншоотнинг эркин сунувчи тебраниш жараёнини ўрганишда бошлангич амплитуда, тебраниш даври, каби амплитуда ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ва тебранишнинг суниш эфектини тавсифловчи бир қанча катталиклар қизиқтиради. Эркин тебранишга тезликка пропорционал бўлган куч тусиқлик қилса у вақтда икки ёнма – ён даврлар тебраниши амплитуда катталикларининг нисбати қўйидаги ифода орқали топилади:

$$A_n/A_{n+1} = e^{-nT} \quad (14)$$

Бу катталик (тебраниш декременти) доимий бўлиб, тебранишнинг бир даври мобайнидаги амплитуданинг камайишини тавсифлайди. Сунувчи тебранишларда амплитуданинг камайишини тавсифлаш учун тебранишнинг логарифмик декрементини (15) ва суниш коэффициенти (16) ҳам киритилади.

$$d = \ln e^{-nT} \quad (15)$$

$$n = 1/d \quad (16)$$

Бу катталик н амплитудаси $e = 2,7182$ марта камаювчи тебраниш даври сонини кўрсатади.

Мажбурий тебранишлар деб, вақт мобайнида қандайдир ўзгарувчан куч келтириб чиқарувчи тебранишга айтилади. Техникада кўпинча учрайдиган тебранишларни келтириб чиқарувчи куч, тезланиш ва амплитудага пропорционал бўлган икки таркиб топувчининг чизиқли комбинациясини ифодалайди. Мажбурий тебраниш мураккаб динамик жараён бўлиб, ундан қўзғатувчи кучга боғлиқ бўлган хусусий тебраниш ва соғ мажбурий тебранишини ажратиш мумкин. Иншоот учун қўзғатувчи кучнинг ўзариши қонунияти гармоник тавсифга эга бўлган холат кўпроқ хавф туғдирувчи ҳисобланади, ва унда қўзғатувчи куч ва хусусий тебранишнинг частоталари бир бирига мос тушади. Бунда тебранаёттан иншоотнинг амплитудаси кескин ошиади. Бу ҳодиса резонанс деб аталади. Қайишқоқ иншоотлар учун резонанснинг вужудга келиши частотаси хусусий тебраниш частотасига тенг бўлган шамолнинг кучайишида кўпроқ хавф туғилади. Бундай юкнинг таъсири остида Такома дарёсидан (АҚШ) ўтувчи осма кўприкнинг бузулиб тушганлиги маълум.

Иншоотта таъсир этувчи динамик юкларнинг кенг тарқалган турларидан бири сейсмик юк ҳисобланади. Иншоотта бўлган сейсмик таъсирнинг тавсифи шундан иборатки, зилзила эпицентридан тарқалувчи сейсмик тўлқинлар грунт зарраларини тебранишини келтириб чиқаради. Ундан кейин иншоот ва грунтнинг биргаликда тебраниши юз беради. Иншоотта бўлган сейсмик таъсирнинг интенсивлиги грунт сейсмик спектри ва иншоотнинг динамик хоссалари хусусиятлари нисбатига боғлиқ. Ер қимирлашни иншоотта бўлган таъсирини ўрганиш учун моделларни экспериментал тадқиқ қилишдан ва реал иншоотлардаги кичик тебранишларни экспериментал тадқиқ этишдан кенг фойдаланилмоқда. Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги ҳақида бевосита кучли ер қимирлаш вақтида маълумотлар олиш ва уларнинг ҳолатини тегишли асбоблар ёрдамида кузатиш мақсадида

муҳандислик – сейсмометрик хизмат тизимини яратиш, катта натижаларга эришиш имконияттини яратади.

Конструкция ва иншоотларни динамик юк таъсири остида экспериментал тадқиқ этиш вазифаси, үрганилаёттан катталиктинг амплитудасини, тебраниш частотаси ва хусусий тебранишнинг сўниш тавсифини (тебраниш декременти ёки сўниш коэффициенти) аниқлаш йўли билан ечилади.

Иншоотта бўлган динамик таъсири үрганиш учун динамик тавсифга эга бўлган юклар қўйилади. Бунда ҳам табиий, ҳам сунъий вужудга келтирилган динамик юклар бўлиши мумкин.


Табиий ҳаракатдаги юклар – бу темир йўл ва автомобиль транспорти, кўпrik кранлар, зарбли ҳаракат ва айланувчи қисмга эга бўлган қўзғолмас станоклар. Табиий юклар қўйилганда механизм ва уларнинг қисмлари максимал режимда ҳаракатта келтирилади. Динамик самарани ошириш мақсадида ҳаракатланувчи юк таъсири этаёттанды транспорт воситасининг ҳаракатланиш йўлига тахта ёки металдан трамплин ўрнатилади. Релсли транспорт ҳаракатланишида трамплин вазифасини чонасимон металл қистирма бажаради. Юк ташиш вақтида йигма иншоот элементига қўйиладиган ҳаракатланувчи юк алоҳида куриниш касб этади. Юк турлича тезланишга ва тасодифий вақт оралиғида қўйиладиган инерцион кучни ифодалайди. Юк ташишда конструкция тебранишни үрганиш транспорт воситаси ва ташилаёттан конструкциядан ҳосил бўлувчи қўшма тебранишни үрганиш эҳтиёжи билан боғлиқ бўлган мураккаб вазифадан иборат. Иншоотта бўлган аслий таъсиrlар сирасига таъсири муҳандислик сейсмик хизмат томонидан баҳоланувчи сейсмик юкни алоқадор дейиш мумкин.

Иншоотни тебрантиришнинг кенг тарқалган сунъий усули юкни бир лаҳзада йўқотиш усулидир.

Иншоотни титратувчи юк, турли қувватдаги титратувчи машиналар ёрдамида ҳосил қилинади. Титратувчи машиналарнинг

құзғотиши күчининг катталиги, унинг қувватига ва ўлчамларига боғлиқ ва бир иеңи килограммга етиши мүмкін.

Машина (44 – расм.) дебаланслар маҳкамланған жуфт сонли айланувчи дисклардан иборат тизимни ифода этади. Дебалансларнинг дискда жойланиш ҳолати шундайки, дискларнинг расмнинг юқори қисмидаги күрсаткыч бүйича айланышыда иккى марказдан қочувчи күч ҳосил бўлиб, уларнинг горизонтал ташкил этувчилари ҳамиша мувозанатланади. Вертикал ташкил этувчилари эса гармоник қонунга мувофиқ үзгаради. Титратувчи машинанинг 44 – расмда күрсатилган ҳолатида уни құзғотувчи кучлар вертикал йұналишда ҳаракат қиласади.



44 – расм. Титратувчи машинанинг ҳаракатланиш схемаси.

1 – 4 – дебаланслар ҳолати фазалари.

Горизонтал йұналишда таъсир этувчи титратувчи юкни ҳосил қилиш учун титратувчи машина күрилаёттан ҳолатта нисбатан 90° га бурилади.

2.3.3. Назорат үлчов аппаратураси.

Динамик синовларда инерцион асбоблар кенг құлланилади. Инерцион асбобларнинг ишлаш схемаси масса бириктирилган эластик элемент ва демпфирловчи тузилмани ифода этувчи сезгир элементдан йигилади.

Сезгир элементлар асбоб хусусий тебраниш частотасининг қийматига күра турли күринища бажарилади. Одатда улар винтли ва текис пружинали паст частотали маятниклардир.

Тебранишлар жараёнини үрганиш учун қуйидағи асосий параметрларни қайд этиш ва үлчаш талаб этилади:

— частота, амплитуда, тезлик ва тезланиш.

Тебранма ҳаракатни қайд этиш учун құлланиладиган барча асбобларни икки гурухга булиши мүмкін: асосий ва ёрдамчи асбоблар. Синалувчи обьект билан алоқа турига күра асбоблар үз навбатида яна икки гурухга булинади: контактлы ва масофали асбоблар.

Контактлы асбоблардан фойдаланилганда синалаёттан конструкцияга асбобнинг үзи ёки унинг күчма элементи — датчик үрнатиласы. Замонавий титраршни үлчовчи асбоблар айнан охирги тамойилга биноан барпо этилади.

Тебранма жараёнларни қайд этиш учун мұлжалланған асбоблар тебранаёттан предметнинг чизиқли сурилишини үлчовчи ва ёзіб олувчи асбоб — вибрографларга; зилзила ёки портлашдан юзага келувчи گрунтнинг тебранишини ёзіб олиш учун құлланиладиган асосий асбоб — сейсмографларга булинади. Бу турдаги асбоблар вибрографларга қараганда үзларининг юқори даражадаги аниқліклари билан тавсифланади; бурама тебранишини үлчовчи асбоблар — торсиографлар; тебранаёттан жисм тезлигини үлчовчи ва ёзіб олувчи асбоблар — велосиографлар, тебранаёттан жисм тезланишини үлчовчи ва ёзіб олувчи асбоблар — акселерографлар.

Масофавий титрашни ўлчовчи асбобларга маҳсус кинога олувчи камералар – фотосояли ва фотоэлектрон асбоблар, ҳамда ўзаро индукцияланувчи ва вихрли ток усулларига асосланган асбоблар киради.

Асбобларнинг кейинги гуруҳи – ёрдамчи асбобларга: осциллографлар, турли анализаторлар титратиш стендлари киради. Бу асбоблар билан текширилаёттган обьектнинг тебранма харакатини тасвирловчи эгри чизиқларни кузатиш, қайд ва талқин этиш амалга оширилади.

Осциллограф томонидан ёзилган мураккаб тебранма ҳаракат осциллограммаси тебранма жараенниң вақт функцияси куринишида график интерпретациясини ифодалайди.

Тебранма ҳаракатнинг эгри чизигини қайта ишлаш учун механик, оптик ва электрон анализаторлардан фойдаланилади.

Ўлчов асбобларини калибрлашда лозим бўлган этalon тебранишларини тебратиш стенди ва столи ёрдамида ҳосил қилиш мумкин. Қуйида қурилиш конструкцияларини синашда кўлланиладиган титрашни ўлчовчи асбобларнинг айримларининг типик конструктив ечимлари келтирилган.

Амплитуда ўлчагичлар.

Агар юқори аниқлик талаб қилинmasи амплитудани ўлчаш учун синовчининг ўзи тайёрлаган анча оддий асбоблардан фойдаланиш мумкин.

Вибромарка (45 – расм) teng ёни учбурчак чизилган қофоздан тайёрланади. Учбурчакнинг асоси 5 – 20 мм атрофида, баландлиги – тахминан асосининг ўлчамига teng қилиб олинади. Учбурчак баландлиги бўйича 10 та бўлакларга бўлинади.

Вибромарка билан частота 7 Гц дан кўпроқ ва доимий амплитудада тебраниш амплитудасини ўлчаш мумкин. Унинг ишлаш

тамойили одам күриш қобилятигининг инерциялилік хоссасига асосланған. Агар предметнинг күриниш зонасида туриш давомийлігі 1,7 секунддан кемең болса, у ҳолда инсон күзи тасвирни аниқ күринишиңда қабул қылмайды. У бир умумий майдонга ейилиб кетади.




45 – расм. Вибромарка.

Амплитуда минутига 500 циклгача бұлған частотада 10 дан 20 мм гача ва минутига 1000 циклгача бұлған частотада 1 дан 10 мм гача үзгартған ҳолда вибромарқадан фойдаланиш мүмкін.

Индикатор. Мұқим тебраниш амплитудасини индикатор билан ҳам тақрибан үлчаш мүмкін (46 – расм). Бунинг учун индикатор синалаёттан конструкцияга боғылған бўлмаган қандайдир қўзгалмас нуқтага маҳкамланади. Индикатор шундай йўналтириладики, унинг шток ўқи титраш йўналишига параллел бўлиши, охири эса тебраниш амплитудаси үлчанаётган конструкциянинг бирор нуқтасига тақалиб туриши лозим, бироқ бу ҳолда саноқ олиш аңчагина қийинчилик тутдиради.


Кичик частота ва амплитудаларда индикатор стрелкасининг ҳаракат тезлигі шунчалик кичикки, инсон күзи индикаторнинг

шкаласида стрелканинг энг чекка ҳолати бўйича bemalol саноқ имкониятига эга. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки индикатордан фойдаланиши, айниқса тадқиқ қилинаётган тебраниш юқори частоталарга эга бўлганда, фақаттина бошқа иложи қолмагандагина қўллаш мумкин, чунки бундай усул асбобни бузулишига олиб келиши мумкин.



46 – расм. Тебраниш амплитудасини индикатор билан ўлчаш.

Юқорида айтиб ўтилгандек, тебраниш амплитудасини индикатор билан ўлчашда қўзғалмас нуқта талаб этилади. Конструкция ёнида бундай нуқталар бўлмаган ҳолларда, уни сунъий равишда ҳосил қилинади. Бунинг учун маҳсус маятниклардан фойдаланилади (47 – расм).



47 – расм. Вертикаль и горизонтал маятникларнинг энг оддий турлари.

Вертикаль титрашни ўлчащда схемаси 47 а расмда келтирилган энг оддий маятник қўлланилади. У юк ва спирал пружинадан иборат. Пружинанинг юқори қисми тадқиқ қилинаёттан конструкцияга, қўйи қисмига эса оғирлиги 20 кг атрофидағи юк осиб қўйилади. Юкнинг оғирлиги остида пружина ва юк y_{st} масофага силжийди.

Агар конструкциянинг тебраниш частотаси юкнинг хусусий тебраниш частотасидан катта бўлса, у ҳолда тебраниш даври

$$T = 2\pi \sqrt{\frac{y_{cm}}{g}} = 2\pi \sqrt{\frac{m}{k}} \quad (17)$$

бу ерда R – юкни 1 см силжишини келтириб чиқарувчи куч; m – юк массаси ва юк қўзғалмас ҳолатда қолади.

Пружина диаметри, узунлиги ва симнинг кесим юзаси маятник хусусий частотаси беш баробаридан кам бўлмаслик шарти билан танланади.


Горизонтал тебранишларда қўзғалмас нуқта хосил қилиш учун горизонтал маятниқдан фойдаланилади (48б – расм). У гайри оддий конструкцияга эга ва диаметри 15 – 20 см, узунлиги 1,5 – 2 м, туртта нуқтада арқон ёки сим билан осиб қўйилган тұлачани үзида ифода этади. Горизонтал маятникнинг тебраниш даври

$$T = 2\pi \sqrt{\frac{l}{g}}$$

бу ерда l – осилманинг узунлиги (48б – расм). В.С.

Мартышкин ва В.Ф. Смотров маятниклари.

Горизонтал ва вертикал йұналишларда тебраниш амплитудасини үлчаш учун В.С. Мартышкин ва В.Ф. Смотровлар махсус маятниклар ишлаб чиқишиди.




48 – расм. В.С. Мартышкин ва В.Ф. Смотровларнинг вертикал маятниклари.

1. Вертикал йұналишидаги тебраниш амплитудасини үлчаш учун мұлжалланған маятник 49 – расмда күрсатилған. Маятникнинг асосий қисми 1 – тирсаклы ричагдир. Унинг горизонтал елкаси учига массаси 10 кг бұлған юк 5 қүйилған; ричагнинг қия елкаси асос билан пружина 2 ёрдамида бириктирилған. Тирсаклы ричагнинг букилған нұқтасыда призма жойлаштирилған булиб, унинг ёрдамида маятник тәглік 3 га таянади.

Шундай қилиб, тирсаклы ричаг бир томондан юк билан, иккінчи томондан эса пуржина тортилиши билан мувозанатланған. Үнда индикатор штокининг учи юк 5 га тақалади.

2. Горизонтал тебранишни үлчаш учун құлланиладиган маятник (49 – расм) учбурчак асос 1, тиргак 2, унинг юқори қисміга тортқыч 3 ёрдамида массаси 10 кг бұлған юк 4 осиб қүйилған.




49—расм. В.С. Мартышкин ва В.Ф. Смотровларнинг горизонтал маятники.

Юк горизонтал йўналишда силжиши мумкин. Маятник асоси 1 га индикатор маҳкамланган бўлиб, унинг штоки юк чеккасига шундай таяниши керакки, индикатор штоки ўқининг йўналиши маятник харакати йўналишига паралелл бўлиши лозим. Бу маятникнинг хусусий тебраниш частотаси 0,67 гц га teng.

А.М. Емелъянов ва В.Ф. Смотров амплитудомери (50—расм) листли пружина 1 га таъминувчи вазни ҳалқа 3 дан иборат.

Пружинанинг пастки қисми диск 6 га, юқориси эса диск 4 га маҳкамланади. Ҳалқа 3 га индикатор 2 урнатилади, унинг штоки пастки диск 6 га урнатилган микрометрик винт 5 га таянади.


Асбобнинг юқори қисмидаги хусусий тебранишнинг частотаси 2,5 гц га teng. Асбоб синалаёттан конструкция юзасига тебраниш йўналиши индикатор штокининг ўқи мос келадиган ҳолатда урнатилади. Пастки диск 6 синалаёттан конструкция тебранишини тақорорлади.



50 – расм. А.М. Емелъянов ва В.Ф. Смотровлар амплитудомери

Частотамерлар.

Фрама кўп тилчали частотамери (51 – расм) учларига юкчалар 3 ўрнатилган ва умумий таглик 1 га маҳкамланган пластинкалар 2 тўпламидан иборат. Пластинкалар турии узунликка эга. Пластинкаларнинг ўлчамига ва юкчаларнинг оғирлигига кўра уларнинг ҳар бири маълум бир хусусий тебраниш частотасига эга. Бу частоталар маълум оралиқни қопладиган даражада танланган.




51 – расм. Кўп тилчали частотамер.

Тебранишни ёзувчи асбоблар.

Юқорида курилган оддий асбоблар билан (амплитудомерлар, частотамерлар) фақатгина тебраниш амплитудаси ва частотасини ўлчаш мумкин. Шундай мураккаб асбоблар ҳам борки, уларнинг ёрдамида бутун тебраниш жараёнини ёзиб олиш мумкин(виброграмма), уларни қайта ишлаш натижасида эса тебранма ҳаракатнинг түлиқ тавсифини олиш мумкин. Бундай асбоблар қаторига: динамик прогибомерларни, вибрографларни, осциллографларни ва бошқаларни қўшиш мумкин.


Виброметр ва вибрографлар тебранувчи жисмнинг чизиқли силжишини ўлчашга ёки ёзишга мўлжалланган асбобдир. Агар амплитуда ёки частотанинг катталиги бевосита асбоб шкаласи бўйича топилса, бундай асбоб виброметр дейилади. Агар тебранма жараён асбоб билан қофозга, фотопленкага ва бошқа шу каби предметларга ёзилса, бундай асбоблар виброграф дейилади.



52 – расм. Вақтни белгилаб берувчи Виброграмма (вақтни белгиловчи Гейгер асбоби).

52 – расмда вақт белгилари қўйилган виброграмма келтирилган.

Гейгер динамик прогибомери (53 – расм.) Ичида ғалтак 4 ни ҳаракатта келтирувчи тасма тортувчи механизм жойлашган корпус 1 дан иборат. Узатувчи ғалтак 6 га қофоз тасма 5 уралган бўлиб, тасмача столча 2 га утади. Ундан кейин эса ролик 3 дан ўтиб қабул қиливчи ғалтак 4 га уралади.




53—расм. Гейгер динамик прогибометри.

Қоғоз тасмага перо 7 тегиши орқали виброграмма ёзилади. Фетрли ролик 3 ортиқча сиёҳни шимиб олади. Перо 7 таянч 8га шарнирлі равища маҳкамланган. Конструкция тебраниши 11—нуқтада ричаг 14 ва перо 7 ни бириктирувчи шайба 12 ли стержен 9 ва тирсакли ричаг 14 га узатилади. Ричагли тизим елкаларининг ўзгаришини тизимдаги оширув коэффициентини ўзгартириш орқали эришиш мумкин. Улар 3, 6, 12, 24 ни ташкил этади.

Тизимдаги люфтни йўқотиш учун тебраниши тирсакли ричагдан 14 перо 7 га узатища стержен 9 қувур 10 га жойлашган пружина 13, тирсакли ричаг 14 дан перо 7 га ўтувчи стерженни сиқади.

Текширилаёттан конструкция билан асбобнинг 16 нуқтадаги алоқаси ричаг 14 га бириктирилган 15 сим ёрдамида амалга оширилади. Симни тортилган ҳолатда ушлаб туриш учун қўзгалмас асосга маҳкамланган пружина 17 дан фойдаланилади.


Гейгер вибрографи бевосита конструкцияга ўрнатилиши мүмкін. Бунинг учун унга ичига спирал пружина 4 га осилган инерция массаси 3 жойлаштирилган ҳовол цилиндрик корпус 1 дан ташкил топған маҳсус қурилма (54 – расм.) мақкамланади.



54 – расм. Гейгер вибрографининг схемаси.


Тутқыч 5 ёрдамида инерцион масса 3 нинг ҳолатини ўзгартириш мүмкін. Инерцион масса құвурча 7 га кийгазиладиган втулка 6 1а зга бұлған планка 2 билан бириктирилади. Шундай қилиб, инерцион масса құвурча 7 га нисбатан тебраниш ҳосил қилиш мүмкін. Тирсаклы ричаг планка 2 билан бириктирилади. Гейгер вибрографининг умумий күрниши 55 – расмда күрсатылған.

Құл вибрографи ВР – 1. Вибрографларнинг бир қаңча турлари мавжуд, шу жумладан виброграмма ёзилеттеган вактта синовчи бевосита құлида ушлаб турадиган құл вибрографи ВР – 1. Бу ҳолда инерцион масса вазифасини асбобнинг хусусий оғирилгі үтайды.



55 – расм. Гейгер виаграфининг умумий куриниши.

Виаграфининг асосий қисми (56а – расм) қувурча 2 үрнатилган корпус 1 дан иборат. Бу қувурчадан пастки учида конуссимон пойнак 4 бўлган стержен 5 ўтади. Стержен 5 нинг юқори учи ричаг 7 га тиради. Стержен 5 га пастта тортувчи пружина махкамлангач. Пружина чўзилишини ростлаб туриш учун винт 3 билан тұхтат қоладиган хомуттга 5 хизмат қиласди. Ричаг 7 нинг учи ўткирланган бўлиб, унинг кассета 10 дан тортиб чиқарилувчи мўмланган қофоз 8 устида ҳаракатланиб қофозни тирнаши натижасида виаграмма ёзилади.




56 – расм. Қўл виаграфи ВР – 1

Худди шу тасмага 1 сек оралиқ билан пойнак 9 ёрдамида вакт белгилари тушурлади. Тасма тортувчи механизм корпуснинг ташки тарафига жойлашган тортқич 12 билан ҳаракатта келтирувчи пружина 13 ёрдамида ҳаракатлантиради. Вибрографлар тутқич 11 билан ишга туширилади.

Вибрографлар 0,05 дан 6 мм гача бұлған тебраниш амплитудасини 6:1; 2:1; 1:1; масштабларда үлчашы мүмкін.

ВР-1 вибрографининг габарит үлчамлари; 80x130x230 мм, асбобнинг оғирлігі 1,7 кг. Вибрографнинг умумий күриниши 57—расмда күрсатылған.



57—расм. ВР-1 вибрографининг умумий күриниши.


Осциллографлар үзгарттыч — датчиклар сигналини ёзиб олувчи ёрдамчи асбоблар саналади. Бундай мақсадлар учун ёргулик нурланишли ва электрон (электрон — нурланишли) осциллографлар құлланилади. Қурилиш конструкцияларини тәдқиқ этиш учун тәдқиқ қилинаёттан конструкциянинг бир вактда бир неча нүктасида (24 тагача) тебраниши бевосита ёзиб олиш имконини берувчи ёргулик — нурланишли осциллографлар айниқса кенг тарқалған. Бу осциллографлар частота диапазони 2 дан 3 кГц гача чегаралған.

Электрон – нурланувчи осциллографлар амалда инерциясиз. Улар тадқиқ қилинаёттан жараён частотаси 3 кгц дан ошган ҳолларда (масалан, портлаш юки) қўлланилади. Деформацияни ўлчаш қурилмасининг принципиал схемаси 58 – расмда кўрсатилган. Бу схемада ўлчов кўпригини қувват билан таъминлаш доимий токдан фойдаланишни кўзда тутади.



58 – расм. Осциллографлар орқали деформацияни ўлчаш қурилмасининг схемаси.

H – 102 туридаги осциллографлар (кўчма) бир вақтнинг ўзида саккизта виброграммани кўз билан кузатиш ва ёзиш учун мўлжалланган (59 – расм).



59 – расм. H – 102 осциллографининг умумий кўрининши:
1 – қислотни; 2 – дистанционный выключатель; 3 – переключатель; 4 – коптильня; 5 – дистанционный выключатель; 6 – дистанционный выключатель; 7 – диафрагма; 8 – вольтметр; 9 – "кабель"; 10 – переключатель; 11 – панель; 12 – коптильня; 13 – экран; 14 – дистанционный выключатель; 15 – реостат; 16 – клемма; 17 – кнопка; 18 – дистанционный выключатель; 20 – кассета; 21 – дистанционный выключатель; 22 – кабель для зарядки кассеты.


Мазкур осциллографлар қуийдаги модификацияларда ишлаб чиқылады: ҳаво ҳарорати +10 дан -35°C гача, ҳавонинг нисбий намлиги 80%, ва ҳаво ҳарорати +10 дан -35°C гача ва ҳавонинг нисбий намлиги 98% (Н-102Т) булган шароитда ишлатилиш учун.

Осциллограф металл корпусда жойлашган бўлиб, унинг устки панелда тегишли кўрсатгичлари билан бошқарув органи жойлашган.

Осциллографдан фойдаланилганда зарб ёки айrim импульсларни қайд этиш учун уни зарб рўй бермасдан аввалроқ ишга тушириш лозим, акс ҳолда тасма – пленка етарли тезлик билан ҳаракатланишга улгура олмай, ҳодисанинг бошлангич қисми бой берилиши мумкин.

Н-700 осциллографи (14 каналли) частотаси 0 дан 2000 Гц гача бўлган электр жараёнларини қайд этиш учун мулжалланган. Конструкциясининг оддийлиги, шинамлиги ва унча катта булмаган массаси уни лаборатория шароитида ва дала синовларида қўллаш самарадорлигини беради. Осциллографни қувват билан таъминлаш кучланиши 27 в бўлган аккумуляторлардан ёки маҳсус ўзгартиргичлар орқали ўмумий тармоқдан амалга оширилади.


Вақт белгилари тасмага нозик кўндаланг чизиқлар кўринишидаги аниқлиги 1% гача бўлган маҳсус белгиловчилар ёрдамида туширилади (60 – расм).



60 – расм. Н-700 осциллографида ёзилган вақт белгилари кўрсатилган виброграмма.

Тебранма ҳаракатларни күз билан кузатиш учун осциллографлар кенгайтирувчи қурилмаси булган маҳсус экранга эга. 61 – расмда осциллографининг умумий күрининиши берилган.

Бу осциллографининг Н-102 осциллографидан принципиал фарқи шундан иборатки, биринчисида ички автоном магнитли гальванометрлар катта ўлчамга, нисбатан катта массасига эга бўлиб, жуда эҳтиёткорлик билан муомала қилишни талаб этади. Иккинчисида эса осциллографга ўрнатилинган битта умумий магнит блокидан фойдаланилади. Қисқача айтганда, гальванометр ичидагузгули рамка жойлашган герметик ёпиқ бўлган диаметри 5,5 мм алюминий қувурчани ифода этади. Бу гальванометр худди Н-102 осциллографи гальванометри каби ишлаган ҳолда, унинг конструкцияси ишончлироқ.



61 – расм. Н-700 осциллографининг умумий күрининиши.

1 – белгиловчи ўчиригич; 2 – электрон миуфта ўчиригич; 3 – реостат дастаси; 4 – вольтметр; 5 – ёрштувчининг қопқоғи; 6 – тезликни ўзгартирувчи; 7 – кўз билан кузатиш экрани; 8 – ялатирамайдиган экранда эрги чизигъларни ёйиш учун даста; 9 – сигнал лампаси; 10 – гальванометр блокининг қопқоғи.

Электрон осциллографлар. Динамик жараёнларни тадқиқ этишда жараённи күриниши электрон нурли трубкаларда намоён этилувчи электрон осциллографлардан фойдаланиш кенг йулга қўйилган. Унинг ишлаш принципи айрим моддаларнинг (масалан руҳ олтингугурти) электрон бомбардимони таъсирида нурланиш хусусиятига эга. Трубкада ингичка электрон нур пайдо бўлиб, унинг экранга тушиши натижасида нурланишга олиб келади. Осциллографдаги ёйувчи генератор нурни экранда чапдан ўнгга ҳаракатланишга олиб келади. Ёйилишнинг частотаси 10 гц дан ошик бўлганда экранда биз яхлит горизонтал ёрқин чизиқни кўрамиз. Текширилаёттан сигнал тегишли кучлантиришдан кейин нурни верикал бўйича оғдира бошлайди. Шу аснода сигналнинг кўринадиган тасвири пайдо бўлади.

Электрон осциллографларнинг бир – биридан ҳам конструкцияси, ҳам вазифаси бўйича фарқланувчи турли – туман хиллари мавжуд. Хотирасида сақлаб қолувчи трубкали осциллографлар бир марта ҳосил бўлган импульсларни қайд этиб, кейин эса бир неча марта ёки узоқ вақт давомида уни курсатиш имконига эга.

Вибродатчиклар.

Ўлчанаёттан механик катталикни электрик қийматта айлантириб берувчи тузилма датчик дейилади.

Замонавий виброулчов асбобларида механик тебраниш электр катталигига айлантирилиб, осциллограф томонидан ёзиб олинади. Датчик ва қайд этувчи аппаратура орасидаги алоқа ўтказгичлар орқали амалга оширилади, титраш параметрларини ўлчаш эса масофадан амалга оширилиши мумкин.

Виброулчов техникасида генераторли ва параметрик вибродатчиклар кенгроқ тарқалган. Ноэлектрик катталикларни

ұлчашда электр юритувчи күч ҳосил қылувчи вибродатчиклар генератор дейилади.


Ұлчанувчи ноэлектрик катталикларни үзгаришини қаршилик, индуктивлик, сифим ва бошқа шу каби электр параметрларини ұлчашга үзгартырувчи датчиклар *параметрик датчик* дейилади.

Параметрик датчиклар индуктив, сифимли, ОМ қаршилики, акустик турларга бұлинади. Параметрик датчиклар қаторига дифференциал индуктив вибродатчик ВД-3, сифимли вибродатчик ВР-1 ва бошқалар киради.

Механик үзи ёзар асбобларга қараганда кичик массага зға бұлған шинам замонавий вибродатчиклар етиши қийин жойларға ҳам үрнатиши имконига зға. 62 – расмда айрим индукцион вибродатчиклар күрсатилған.

Уларнинг күтпилигини ишлаш тамойилини осонгина ВЭГИК вибродатчигининг конструктив схемасыда күриш мүмкін (63 – расм).

Асбоб қуйидаги асосий қисмлардан иборат: тиргак 1 да турувчи люфтсиз шарнир 3 ёрдамида корпус 11 га маҳкамланған цилиндрик масса күринишидеги вибродатчик маятники 3. Вертикаль тебранишни қайд этувчи маятник айланиш үқи горизонтал, горизонтал тебранишни қайд этиш учун эса – вертикаль үнаалтирилған.



а)




б)



в)

62 – расм. Вибродатчики.
а) ВЭГИК; б) ВИБ-А; в) К-001.



63—расм. ВЗГИК нинг конструктив схемаси.

Маятникнинг оғирлиги пружина — 9 ёрдамида мувозанатланган. Маятник хусусий тебраниши частотасининг ўзгариши винт 7 ёрдамида амалга оширилади. Ушбу винт айлантирилганда пружина 9 маҳкамланган гайка 8 суриласди ва пружинанинг тортиш кучи ўзгаради. Винт корпус ташқарисига чиқарилиб, унга даста 10 ўрнатилинган. Маятникка органик шишадан тайёрланган цилиндрик каркас 5 осилган алюминий ричаг 4 маҳкамланган. Каркасга ингичка сим ўралган фалтак бириктирилган. Бу фалтакнинг охирлари икки қисқичга чиқарилган. Индукцион фалтак доимий магнит майдони 6 да жойлашган

Вибродатчиклар ишлаш тамойилининг батафсил тавсифи (1) да келтирилган.

2.4. Синовларни ўтказиш ва синов натижаларига ишлов бериш.

Иншоот ва конструкцияларни синаш жараёни, табиийки экспериментал тадқиқотнинг энг муҳим босқичи саналади. Синовни бошлишдан аввал бўлғуси тадқиқот услубини яна бир бор мухокама қилиш зарур. Бундан ташқари барча ўрнатилинган ўлчов асбобларини мавжудлигини кўздан ўтказиш ва уларнинг тўғри ўрнатилингандигини текшириш лозим. Агар синовларда электрли ўлчаш аппаратуруси қўлланилаётган бўлса, у ҳолда датчиклар ва ўлчов асбоблари орасидаги ўтказгичларнинг бутунлигини, электр

тармоқда күчланиш борлигини текшириш керак. Агар электр ўлчов аппаратураси автоном таъминотта эга бўлса, у ҳолда албатта таъминот манбаидаги күчланишни ўлчаш лозим.

Юклов қурилмасини диқат билан текшириш ва уларни паст юкланишларда синаб кўриш керак. Юкланишнинг гидравлик ва пневматик усулларини қўллашда тизимнинг герметиклигига ва у билан боғлиқ бўлган юкнинг берилган даражасини узоқ вақт ушлаб туриш қобилиятига алоҳида аҳамият бериш керак. Ричаг – балкали тақсимлов тизими қўлланилганда барча яруслардаги балкаларнинг тўғри ўрнатилганлигини, маҳкамлов тортқичларини ишончалигини, шарнирларнинг мавжудлигини ва бошқаларни текшириш лозим. Синов бошлашдан аввал синовга тайёргарлик вақтида қўйиш керак бўлган барча юклардан бўшатилиши лозим.

Тайёргарлик синовда қатнашувчи барча шахсларнинг техника хавфсизлиги бўйича йўриқномадан ўтишлари ва иш воситаларининг синовни бехатар ўtkазишини таъминоловчи тайёргарлигини текшириш зарур.

Синаллаётган конструкция ва иншоотта синов юки ишлатилаётган ўлчов асбобларининг аниқлик даражасидан ва синов дастури талабларидан келиб чиқсан ҳолда босқичлар билан берилади. Юклаш босқичларини адабиётда келтирилган бузулиш юкининг $1/10+1/15$ дан иборат бўлган тавсиялар бўйича тайинлаш, фақаттана бузувчи юкнинг қиймати етарли даражада асосланмаган ҳоллардагина қабул қилиниши мумкин. Қолган барча ҳолларда юклашни асбоблар ўлчайдиган деформация ва силжишларнинг максимал даражасини олиш учун етарли даражада катта босқичларда олиб бориш лозим. Бу талаб тадқиқ қилинаётган объектини катта миқдордаги турли хилдаги электр ўлчов аппаратураси билан тўлдириб юборилган ҳолда алоҳида аҳамият касб этади. Кўпчилик электр ўлчовларида одатда бузувчи тўсиқлар

мавжуд булади. Бу түсиқларнинг таъсирини камайтиришнинг асосий йўли иншоотни катта босқичлар билан юклашадир.

Кўрсатилган қоидаларни юкларнинг қиймати меъёрий катталиқдан ошмаган ҳолларда ёки иншоотнинг ишлаши эластик босқичларда тадқиқ қилинаёттанд қўллаш лозим. Тадқиқ этиш вазифаларига кўра синовларни эластик босқичларда кўп марта такрорлаш мумкин. Ундан ташқари тадқиқот натижалари статистик қайта ишланиб, одатда у ёки бу ҳисоблаш назариясини баҳолаш учун материал булиб хизмат қиласди. Конструкция ёки иншоотни эластик – пластик босқичда юклаш бир маротаба амалга оширилади, чунки бунда иншоотда қайтмайдиган пластик деформациялар ривожланиб, эластик – пластик жараёнини кўп марта такрорлашга йўл қўймайди. Бунда иншоотнинг бузулиб тушиш эҳтимолини ҳам назарда тутиш лозим, шунинг учун юклашни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан, кичик босқичларда олиб бориш керак. Пластик деформацияларнинг ўсиши ва деформация модулининг мавҳумлиги оқибатида зўриқишини у ёки бу тензометрлар ёрдамида ўлчаш мумкин бўлмай қоляпти. Иншоотларнинг солқилиги ҳатто юкланишнинг кичик босқичларида ҳам етарли даражада аниқлик билан ўлчанади. Шунинг учун юклаш босқичини камайтириш деформацияни ўлчашда халал бериш таъсири хавфини келтириб чиқармайди.

Синов жараёнида одатда иншоот ва конструкцияларни тайёрлаш жараёнида бўлиши мумкин бўлган турли – туман камчиликлар оқибатида ҳар бир синов босқичида деформация ва солқиликнинг ўсиши бирданига юз бермайди. Иншоотнинг ишлаш босқичи ва ашёсига кўра бу вақт 5 – 20 минутни ташкил этади.

Қатор ҳолларда синов дастури деформация ва солқиликни юкнинг узоқ давом этиш таъсирида аниқлашни талаб этади. Агар юклаш гравитацион усулда амалга оширилса, асбобларни ўрнатилишнинг доимийлигини таъминлаш қўшимча тадбир булиб

қолади. Синов үтказиладиган жой түсилган бұлиши ва синов зонасига киришни таъқиқловчи плакатлар билан қуролланған булиши лозим.

Иншоот ва конструкциянинг бузулиш вақти яқинлашиб қолганида, яъни солқиликни кескин ошиши ёки қўйилаёттан юкнинг миқдори ҳисобий бузулиш қийматига яқинлашганида иншоот ёки конструкцияни бузулишини қайд этувчи асбоблардан бұлак ўлчов асбобларини чиқариб олиш лозим. Синов услубини тузища қандай асбоблар бузулишини қайд этиш учун қолдирилишини кўзда тутиш лозим.

Асбобларни турли – туман ходисалардан сақлаш учун керак бўлган чора – тадбирларни қўллаш керак бўлади. Бузулиш вақтини солқиликнинг кескин ошишидан аниқланади.

Юқорида зикр қилинган тартиблар иншоот ва конструкцияларни статик юк остида синаш учун кўзда тутилган. Иншоот ва конструкцияларни динамик юк таъсири остида синашда синовни бошлашга булган тайёргарлик тартиби худди шундайлигича қолади. Шуни ҳам назарга олиш лозимки, динамик синовлар жуда қисқа вақт мобайнида үтади, шу сабабдан синовларни юқори даражада ташкиллаштиришни талаб этади. Синов жараёнида бир қатор асбоб ва механизмларнинг биргаликда бетұхтов ишлашини таъминлаб бериш фақаттана ишларни синчковлик билан юқори даражада ташкиллаштириш орқалигина эришиш мумкин. Агар синалаёттан иншоот ва конструкцияда тебраниш жараёнини қайд этувчи катта миқдордаги асбоблар жойлашган бўлса, ҳар бир қайд этувчи қурилмаси вақт белгисини қўйиб чиқишини ташкил этиш керак бўлади. Вибрация тавсифини ўлчовчи мавжуд асбоблар ўзларининг хусусий вақт белгиловчиларига эгадирлар. Катта миқдордаги асбобларни қўллаб динамик синовлар үтказища вақт белгиловчиларни марказий бошқарилувчи бир занжирга бириктириш лозим бўлади.

Динамик синовларда техника хавфсизлиги бүйича құшымча чора – тадбирлар күзде тутилмоғи лозим. Титратувчи машиналарнинг айланувчи қисмлари ҳимоя қалпоқчалари билан беркитилиши керак. Электр токини титратувчи машиналарнинг электр моторларига улашни бажарища ва уларнинг ишончли ерга уланган ҳимоя симининг тузилмасыда электр хавфсизлиги қоидаларини бажариш лозим. Ҳаракатланувчи юклар синов давомида хавф – хатар туғдириши мүмкін. Иншоотдан катта тезликда транспорт ва бошқа турдаги ҳаракатланувчи юкларни үтища баҳтсиз ҳодисаларни олдини олишга доир чораларни құмлаш керак. Синов тугагандан кейин иншоотдан құйилған юклар олинishi лозим. Агар синов бузулғунча олиб борилмаган бұлса, у ҳолда құйилған юклар юклашындағы тартибнинг тескариси билан олинади. Юқдан туширишнинг оралиқ босқичларида деформация ва силжишларнинг муқимлашувчи учун тұхтамлар берилади. Агар синаш иншоотининг бузулиши билан тугаган бұлса, у ҳолда бузулған конструкция ва юкلاш тузулмасини ажратиш тәкелаж ишлардан хабардор ишчиларни жаңб этиб, әктиёткорликка риоя қилинған ҳолда бажарилади.

Синовнинг бириңчи натижаларини бевосита синов давомида қайта ишлаш лозим. Синовлар тажрибаси шундан далолат берадыки, ишларни тұғри ва аниқ ташкиллаштиришда юклашнинг айрим босқичлари ўртасында вакт мобайнида барча график ва эпюраларни бемалол қуриш мүмкін. Одатда бундай материал юклаш тузилмаси ва үлчов аппаратурасининг тұғри ишлаганligini баҳолаш учун етарлы ҳисобланади. Айрим графиктар бүйича эса иншоотнинг зўриқиши – деформация ҳолатига дастлабки баҳо бериш ҳам мүмкін. Синов давомида юклашнинг ҳар бир босқичида олинған маълумотларни олдиндан таҳлил этиш синовчининг синовни боришига ва лозим бұлған тузатышлар киритишига бұлған әктиёжни қоңдиришга имкон беради.

Синов давомида инишоот ҳолатини муттасил кузатиб бориш лозим. Инишоотнинг кўпроқ зўриқиши ва куч тушиши мумкин бўлган участкаларига алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Юклашнинг барча босқичларида, охиргисидан ташқари, конструкция ва инишоотдаги дарзларнинг очилишига катта эътибор бериб туриш лозим. Уларни ўз вақтида қалам ёки шу каби бошқа қулай воситалар ёрдамида белгилаб қўйиш керак. Бу маълумотлар синовнинг тугаш вақтида дарзлар кўринишини тула – тўкис ифодалashi лозим бўлган тегишли чизмасига кўчирилади.

Динамик синовлар ўтказишида осциллограммаларни дарҳол намоён қилиш лозим. Намоён қилинган фото қофозларда синов санасини, юк тури, қиймати ва айрим графикларнинг маъносини белгилаб қўйиш керак. Динамик синовлар мобайнида олинган маълумотларнинг мураккаблиги уларнинг натижаларини дарҳол таҳлил этиш имконини бермайди.

Унда фақаттина ўрнатилган асбобларнинг тўғри ишлаганилигига баҳо бериш мумкин.

III – БОБ. АКУСТИК УСУЛЛАР.

Ультратовуш акустик усуллар конструкцион ашёларда тарқалиш тавсифини ұрганиш асосида пайдо бұлған. Товуш – газ, суюқлик ҳолати ёки қаттық мұхитда тұлқин күренишида тарқалувчи ҳаракатидан иборат. Эластик тұлқинларни частотаси 20 Гц дан 20 кГц гача оралықда ётұвчи товушларга, частотаси 20 кГц дан то 1000 МГц гача ультратовушлар ва частотаси 1000 МГц дан ошувчи гипертовушларга бўлиш қабул қилинган. Бетон ва сопол буюмларни синашда частотаси 20 кГц дан 200 кГц гача, металл ва пластмассаларни синашда эса частотаси 30 кГц дан то 10 МГц гача бўлган ультратовушлардан фойдаланилади.

Ашёларда ультратовушдан фойдаланишинг қатор усуллари мавжуд. Булардан күпроқ тарқалгани ультратовуш импульсли усул, резонансли усул, импедансли усул ва акустик эмиссия усули.


3.1. Ультратовуш импульсли усул.

Ультратовуш импульсли усулида қурилиш конструкциясидаги нүқсонларни аниклаш (дефектоскопия) масаласи үз ечимини топади ва материалларнинг эластиктилік тавсифлари, ғовакдорлық каби физик – механик константалари аниқланади.

Хар қандай ультратовуш қурилмаси экспериментларни асбоб билан таъминлашдаги айрим элементлардан ташкил топади. Бу мажмуага нурлантирувчи ва тебранишни қабул қилувчи киради. Айри ҳолларда нурлантирувчи бир вақтнинг ўзида қабул қилиб олувчи функциясини ҳам бажаради. Акустик эмиссия услубида эса фақаттана қабул қилувчи сифатида ишлатилади.


Нурлантирувчилар ва қабул қилувчилар – ультратовуш үзгартырувчиларни пьезоэлектрикли ва магнитострикциони бўлиши лозим. Пьезоэлектрик үзгартырувчи (64 – расм) ичида пьезоэлектрик

эффектига эга бўлган ашё З жойлаштан металл корпусдан иборат. Бундай ашёлар қаторига кварц турмалин, барий титанати ва бошқалар киради. Сўнгти вактларда сегнет тузи ҳам кенг қўлланила бошланган. Электр энергиясини механик энергияга ва аксинча айлантирувчи кристалл, эркин тебраниши демпфировчи пружина 1 ёрдамида қўйилма 2 га ёпиштирилади ёки сиқилади.



64 – расм. Пъезозлектрик ўзгартирувчи.

65 – расмда магнитострикцияли ўзгартирувчининг тасвири берилган. Магнитостриктор 2 магнит майдони таъсирида сиқилиш ва чузилиш имконига эга бўлган никель ёки бошқа ашёлардан қилинган бир – биридан изолация қилинган юпқа пластинкалардан йигилади. Пластинкалар пакети ўзгарувчан электр токи ўтказиладиган фалтакка жойланади. Чеккасида корпус 1 га бикр маҳкамланган металл мембрана 3 жойлашган.




65 – расм. Магнитострикцион ўзгартирувчи.

3.2. Бетон ва металл нуқсонларини ультратовуш билан аниқлаш.

Бетонни синашда ультратовуш импульсли усулни құллаш фақаттана буюмнинг нуқсонларини аниқлаш билан чегараланиб қолмай, унинг физик–механик тавсифларини аниқлаш имконини беради.


Бетон түрли – туман ашёлардан ташкил топғанлығы сабабли, ундаги нуқсонларни аниқлашда, фақаттана үлчамлари түлдирувчиларнинг тавсифли үлчамидан катта бұлган нуқсонларнинг топиши мүмкін. Бетонни ультратовуш импульсли усул билан дефектоскопия қилишнинг иккى усули: товушни тұлық үтказиш ва бүйлама профиллаш усуллари кең тарқалған.

Товушни тұлық үтказиша текширув обьектининг қарама – қарши тарафлари нүкталарни белгилаш ультратовуш аппаратининг нурлантирувчи 1 ва қабул қылувчи 2 бир – бири билан бир үкда жойлашиши лозим (66 – расм). Одатда юза тұғри бурчаклы түр билан белгиланиб, бөгламлари товуш үтказиш трассаси 3 ни белгилай үн.



66 – расм. Товушни түлиқ үтказиш усулы схемаси.


Бүйлама профиллаш усулы (67 – расм) шуниси билан қулайки, унда нурлантирувчи 1 ва қабул қилувчи 2 буюмнинг бир юзасида үрнашади. Бироқ бунда нуқсонларни фақаттана қалинлиги 1 – 1,52 полосада аниқлаш мумкин, бу ерда λ 1 дан 15 см гача катталиктин ташкил этувчи түлкін узунлиги. Бундан ташқари үлчов натижаларини интерпретация қилишининг аниқлиги товушни түлиқ үтказиш услубидагидан пастроқ эканлигини айтиб үтиш лозим.



67 – расм. Нуқсонларни бүйлама профиллаш усулида аниқлаш схемаси.

Нүқсонларнинг 3 мавжудлиги қабул қилувчиларнинг түгри чизиқ 5 га нисбатан экспериментал нүқталар 4 ни кетма – кет суримиш вақтида содир бўлувчи оғишлар орқали аниқланади (67б – расм).

Нурлантирувчи ва қабул қилувчи бир юзага жойлаштиришда юзадаги дарзларнинг чуқурлашув катталиги уни аниқлаш масаласини ечиш мумкин (68 – расм).



68 – расм. Дарз чуқурлигини аниқлаш схемаси.

Бунинг учун дарз ўқига перпендикуляр тенг қилиб (а) олинган масофаларга нурлантирувчи ва қабул қилувчилар ўрнатилади, ундан кейин эса ABC трассаси бўйлаб импульснинг ўтиш вақти t_1 ни экспериментал аниқланади. Бетоннинг дарзсиз участкасида ҳам ультратровуш ўтишнинг тезлиги аниқланади ва унга тегишли тезлик $V = b/t_2$ аниқланади. ABC трассаси бўйлаб ўтувчи товушнинг тезлигини белгиловчи нисбат қўйидагича куринишга эга бўлади.

$v = 2\sqrt{a^2 + \frac{y^2}{t_1}}$. Тезликларни тенглаштириб қўйидаги куринишга эга бўламиз.


$$y = \sqrt{\frac{0,25b^2 * t_1^2}{t_2^2 - a_2}}; \quad (18)$$

Сунгти вақтларда бетон конструкцияларда импульсли ультратовуш усулидан фойдаланишда осциллографлар ўрнида рақамли индикаторларда ишловчи микросекундомерлардан фойдаланилади.

Материалнинг зичлиги бевосита тортиш орқали ёки радиометрик усул билан аниқланиши мумкин. Агар ультратовуш тарқалиш тезлигини стерженда V_c ва бир хил қоришмадан тайёрланган кубда V_k аниқлашни амалга оширилса, динамик Пуассон коэффициентини топиш мумкин.

$$\mu = \frac{1}{4} \left(1 - \frac{v^2 c}{v_k^2}\right) \left[-1 + \sqrt{1 + 8 \left(1 - \frac{v^2 c}{v_k^2}\right)} \right]^{-1} \quad (19)$$

Ультратовуш тезлиги бўйича бетон мустаҳкамлиги R аниқлаш учун айланма эгри чизик қуриш лозим (69 – расм).



69 – расм. Ультратовуш тезлиги бўйича бетон мустаҳкамлигини аниқлаш учун айланма эгри чизик қуриш.

Бунинг учун бир хил шароитларда камида 45 намуна тайёрлаб, уларни турли муддатларда синалади. Сунгра ҳар бир намунани бетонни ётқизиш йўналишига перпендикуляр тарафда товуш ўтказилиб, ундан кейин уларни прессда бузилгунча синалади.


Бетонда ультратовуш тарқалиш тезлигига турли омиллар: бетоннинг ёши ва уни қотиш шароити, тўлдирувчининг миқдори ва

тури, цемент миқдори, температура, арматуранинг тури ва ўлчамлари.

Ультратовуш ёрдамида металл конструкцияларни синаш, металдаги нуқсонларни аниқлаш ва пайванд чокларнинг сифатини назорат қилишда ишлатилади.

70а – расмда соя усулидан фойдаланиш мисоли келтирилган. Нурлантирувчи 1 дан ва қабул қилувчи 3 дан сигнал осциллограф экранига узатилади. Нуқсонлар бўлган тақдирда қабул қилувчи қайтарадиган сигналнинг заифлашуви ёки бутунлай йўқолиши юз беради.

Конструкциянинг товуш ўтказиш трассаси ихтиёрий йўналишига эга бўлиши мумкин.



70 – расм. Соя усулида буюмдан товуш ўтказиш схемаси.

Пайванд чоклар сифатини соя ёки кўзгу – соя усули билан назорат қилишда шлакли қўшимчалар, раковиналар, ҳаво бушликлари, дарз ва нопайванд жойлар кўриниб қолади.

Пайванд бирикмаларни назорат қилиш учун ультратовуш тұлқинлари α түрли тушиш бурчакларига зға бұлған призматик үзгартырувчилар құлланилади. Пайванд бирикмаларида одатда нұқсонндар пайвандланадиган буюмнинг юзаси бүйлаб ривожланишидан, назорат жараёнида үзгартыргични чок бүйлаб зигзагсімөн йұналтирилади.

Ультратовушли назорат таврли ва учма-уч бирикмаларда очилиш кенглиги 0,2 мм дан камроқ бұлған ички дарзларни ва чок илдизидеги нопайвандларни аниқлаш имконини беради.

Пайванд чокларни назорат қилишінде эталонлардан (сұнъий нұқсон киритилиб олдиндан пайвандланган бирикмалар) фойдаланылади.

Қайтарув (акс-садо усули) ёки конструкцияда нұқсон бұлғанда, унинг заифлашувини (соя усули) эталон билан солишлирилади.

3.3. Бошқа акустик усуллар.

Юқорида күриб үтілған акустик усуллардан ташқары акустик синовларнинг ультратовуш, ҳамда аңча паст частотали тебранишлардан фойдаланыладиган бошқа турлари ҳам құлланилади.

Зарб тұлқини усули енгіл болға ёки масалан, берилған күчни катта бұлмаган зарбда бериш учун электр ҳаракатини құллаш каби махсус қурилмаларнинг зарбидан келиб чиқувлі битта-яримта импульсларнинг тарқалиш тезлигини үзгаришига асосланған.

Сигналларни қабул қылғын олиш ва қайд этиш учун худди ультратовуш импульс усулида құлланилған аппаратлардан фойдаланиш мүмкін.


Бу усул йұл ва аэродром қолламаларининг асфальт ва цемент бетон қатламларини мустаҳкамлигини назорат қилишінде, ҳамда катта

ұлчамли (30 м гача) бетон ва темирбетон элементларни синаща құлланиши мүмкін.

«Юғурувчи тұлқинлар» усули. Бу оригинал усулда қайд этувчи асбобга, қабул қилиб олувчи үзгартыручининг сигналдан ташқари, бетұхтов тебранишни көлтириб чиқарувчи генератор сигналларини ҳам ушлаб қойылады.

Ушбу күрилган усул ійлі ва аэродром қопламаларнинг бунёд этишда технологик жараённи кетиши ҳақида тез ва ишончли жараёнларни автоматик бошқарув асосини ҳосил қилиш мүмкін.

Титратувчи усул. (төвуш частотасининг тебранишидан фойдаланиш асосида) бетон намуналарини синаща құлланилади (71 – расм).



71 – расм. Бетон намуналарини резонанс усулида синаш:
а – бүйлама ва згувчи тебранишларни ҳосил қилиш; 1 – синалаеттан намуна;
б – пъезоүзгартырувчи.

Ашёниң тавсифлари ҳақида резонанс ҳодисаси юз берганида амплитуда ұлчамининг кескин ошишига тегишли бұлған частота бүйича хукм қилиниши мүмкін.

АДАБИЕТЛАР.

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ни амалга ошириш борасыдаги публицистик мулоҳазалар. "Шарқ" Нашриёт – Матбаа концерни. Бош таҳририяти. Тошкент 1998 йил.
2. Геводян Т.А., Кисилев Л.Т. Приборы для измерения и регистрации колебаний. Маш. Гиз., 1962 год.
3. Долидзе Д.Е. Испытание конструкций и сооружений. М., "Высшая школа", 1975 год.
4. Сердюков В.М, Григоренко А.Г, Кривелов Л.И. Испытаемые сооружений. Киев "Будвельник", 1976 год.
5. Крылов Н.А., Глуховский К.А., Испытание конструкций сооружений. Изд литературы по строительству, 1970 г.
6. Бойко М.Д. Техническое обслуживание и ремонт зданий и сооружений. М, Стройиздат, Ленинградское отд-ни, 1986 г.
7. Аистов Н.Н. Испытание сооружений. М., Стройиздат, 1960 г.
8. Веников В.А. Теория подобие и моделирования. М., "Высшая школа", 1966 г.
9. Григоренко А.Г. Фотозлектрический кренометр. Извести ВУЗов "Строительство и архитектура", 1968 г, №11.
10. Питмок Д.А. Испытание строительных конструкций на моделях. М., 1971 г.
11. Сердюков В.М. фотограмметрия в инженерно-строительном деле. М., "Недри", 1970 г.
12. Сытник В.С. "Строительная геодезия". М.. "Недра", 1974 г.
13. Смоленская Н.Т и др. "Современные методы контроля зданий". М., Стройиздат, 1972 г.
14. Аронов Р.И. Испытание сооружений. М, "Высшая школа". 1974 г.

15. Новгородский М.Н. Испытание материалов, изделий и конструкций. Издательство. "Высшая школа", 1971 г.
16. Почтовик Г.Я., Злочевский А.Б., Яковлев А.И., Метод и средства испытание строительных конструкций. Издательство., "Высшая школа", 1979 г.
17. Поль Э., Неразрушающие методы испытание бетона. Пер с нем. Стройиздат.
18. Шапиро Г.А и др. Вибрационные испытание зданий. Стройиздат. 1972 г.
19. Якубовский Б.В, Ермолаев Н.Н, Акридин Д.В. Испытание железобетонных конструкций и сооружений. "Высшая школа".1965 г.
20. Гринберг В.Е, Семетов В.Г, Шойхет Г.Б, Контроль и оценка состояния несущих конструкций зданий и сооружений э эксплуатационный период – Л; Стройиздат. 1982 г.
21. Золотухин Ю.Д. Испытание строительных конструкций. Учебное пособие для вузов. "Высшая школа", 1983 г.
- 22.Лужин О.В, Волохов В.А, Шмаков Г.Б и др. Неразрушающие методы испытание бетона. Совом изд. М., Стройиздат, 1985 г.
23. Лужин О.В, Злочевский А.Б, Горбунов И.А, Волохов В.А. Обследование и испытание сооружений. Москва, Стройиздат, 1987 г.
24. Павлов Е.И., Ивановский А.Б. Информационно-измерительная система, Сборник научных трудов ЦНИИС. Динамические испытания строительных материалов, конструкций и сооружений. Выпуск 2002-155 стр. М; ЦНИИС, 2000г.(135-42).
25. Павлов Е.И., Вастуро В.И. методика вибродинамических испытаний зданий. Сборник научных трудов ЦНИИС. (33-58 стр.) динамические испытания строительных материалов, конструкций и сооружений. Выпуск 202-155 стр. М; ЦНИИС 2000г (135-142 стр).

№1872 буюртма. Ротопринт усулида босилди. Формати
60×84¹/₁₆. Жами 50 нусха. 70 бл. Узбекистон матбуот
ва ахборот агентлигининг Тошкент китоб-журнал фабри-
касила чоп этилди. Тошкент, Юнусобод дахаси, Муродов
кўчаси, 1-уй.